

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**«ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ»
КАФЕДРАСИ**

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

МАМАТҚОСИМОВ ЖАҲОНГИР

**НАВРЎЗ БАЙРАМЛАРИДА ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК
ЖАМОАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МАСАЛАЛАРИ
(1989 – 1999 йиллар)**

**МУТАХАССИСЛИК 5А 810503 -
ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК ЖАРМОАЛАРГА РАҲБАРЛИК**

ДИССЕРТАЦИЯ

**ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК ЖАРМОАЛАРГА РАҲБАРЛИК
МАГИСТРИ АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН**

Диссертация кўриб чиқилиб,
ҳимояга тавсия қилинди. "Халқ
ижодиёти" кафедраси мудири
ф.ф.н., Проф.
Йўлдошева С.Н. _____

" ____ " _____ 2005 йил

Илмий раҳбар ф.ф.н., доцент
Турдимов Ш. _____

Такризчилар:

Доцент Х.Т.Мирпўлатов _____

п.ф.н., доцент

Аҳмедов Ф.Э. _____

ТОШКЕНТ - 2005

НАВРЎЗ БАЙРАМЛАРИДА ФОЛЬКЛОР ЭТНОГРАФИК ЖАМОАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МАСАЛАЛАРИ (1989 – 1999 ЙИЛЛАР)

КИРИШ

Наврўз байрами тарихи, ривожланиш босқичлари, ва бугунги ҳолати.

1. Байрам ҳақида тушунча.
2. Наврўз байрамининг пайдо бўлиши.
3. Наврўзга собиқ шўролар давридаги муносабат.
4. Наврўз байрамининг қайта тикланиши.

I БОБ

Наврўз байрамида иштирок этган фольклор этнографик жамоалари репертуарининг таҳлили. (1989-1993 йиллар)

1. Наврўз байрами тантаналарида фольклор этнографик жамоаларининг тутган ўрни.
2. Жамоалар репертуарларининг умумий таҳлили.

II БОБ

Фольклор этнографик жамоалари репертуарларида анъана ва замонавийлик. (1994-1999 йиллар)

1. Жамоалар репертуаридаги фольклор асарларида миллийлик, анъанавийлик ва замонавийлик масалалари.
2. Фольклор этнографик жамоалари фаолиятидаги асосий муаммолар ва ечимлари.

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАРИХИ, РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ, ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ.

Инсоният яралибдики, унинг турмуш тарзида байрамлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Зеро байрамсиз инсоният ҳаётини мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди. Байрамлар халқ ҳаётининг энг яхши ва гўзал томонларини акс эттирувчи кўзгудир.

«Байрам-халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир», деган эди Шарқнинг буюк олими Маҳмуд Қошғарий. Дарҳақиқат, байрамлар туфайли шодиёналар, тантанали воқеалар, муҳим саналар, улкан ютуқлар нишонланади. Байрам босиб ўтилган йўлни чуқур англаш, қўлга киритилган ғалабалардан руҳланиш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ёрдам беради.

Байрам деганда бирор-бир муҳим ҳодиса, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, хурсандчилик билан нишонлаш тушинилади.

Шу боисдан Беруний байрамларни ҳаётдаги «энг муҳим кунлар» деса, Маҳмуд Қошғарий «шодлик ва хурсандчилик кун» деб таърифлайди.¹

Дарҳақиқат байрам одатдагидан кўра кўтаринкироқ кайфиятни вужудга келтиради. Байрам чоғида ҳамма бошқа кунларга қараганда хурсанд, шод ва бахтиёр бўлади.

«Байрам, - деб ёзади А.И.Мазаев, - бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир».²

Байрам кунларида одамлар «қисқа вақтга бўлсада, ўзларини кундалиқ меҳнатдан, ташвишдан, ғам-ғуссадан, қарамликдан эркин сезадилар, - дейди М.Қодиров. Зотан, байрам кунлари ҳамма тенг, ҳур

¹ Маҳмуд Қошғарий. «Девону луғотит-турк», 1 том. – Т.: «Фан», 1963 йил, 447 бет.

² Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. – М.: «Наука», 1978 г, с.172.

ва озоддир, истаганича яйраши, кулиши, майнавозчилик қилиши, кимнингдир устидан кулиши мумкин. Ҳеч ким буни маън этмайди»¹.

Байрам ҳаётнинг давоми, муҳим қисмидир. Байрам шахс, оила, жамият, миллат, давлат, халқаро ҳаётдаги энг муҳим ҳодиса, воқеа, саналарни қайд этади, уларни нишонлашга имконият яратади. У кишиларнинг ҳаёти, фаолиятидаги эришган ютуқларини ифодалайдиган ҳодисадир. Ўзбек халқида йирик ишларнинг бошланиши ва якунланиши одатда байрамга айланиб кетади. Янги ҳосил мавсумининг бошланиши ва илк уруғ қадаш жараёни ҳам деҳқонлар ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги боис байрамонга кайфиятда ўтади.

Байрамлар ҳар бир халқнинг ўзига хос қадриятларини акс эттирадиган «кўзгу» саналади. Чунончи кишилар байрам чоғида чиройли кийимларини кийишади, лаззатли таомлар тайёрлашади, ўз қобилиятларини намоиш этишади. Ўша кунда ҳамма кўтаринки кайфиятда бўлади.

«Байрамлар ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, у муҳим анъаналарни қўллаб-қувватлаш асосида инсоният маданияти ютуқларини мустаҳкамлайди».⁴ Байрамлар моддий ва маданий ҳаётда эришилган муваффақиятларнинг ўзига хос намоиши ҳисобланади. Чунки байрам кунига бағишлаб барча муассасалар, корхоналар ўзлари эришган муваффақиятларни намоиш қиладилар. «Айнан байрам, - дейди А.И.Арнольдov, - дунё маданияти хазинасига йиғилган энг қимматли бойликларни ўзида мужассамлаштиради» (Жигульский К. Праздник и культура. – М., «Прогресс», 1985, с.5). Шу боисдан байрамлар инсоният маданиятининг энг муҳим шаклларида бири бўлиши билан бир қаторда, кишилик жамиятини ривожлантиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

¹ М.Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Тошкент: «Фан» 1993, 81 бет.

Байрам жамият ҳаётининг таркибий қисми сифатида олдиндан белгиланган, муайян кунда нишонланади. Баъзи байрам кунлари дам олиш куни деб эълон қилинади. Мамлакатимизда йирик байрамларни нишонлаш учун 9 кун дам олиш кунлари деб белгиланган. Шунингдек, муайян касб кунлари ҳам айнан дам олиш – якшанба кунларида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Тадқиқотчи Э.В.Соколов байрамларни барча дам олиш шакллари орасида энг афзали деб кўрсатади. Чунки байрам тадбирларида дам олишнинг энг самарали шакллари мужассамлашади.⁵

Байрам тарбия тизимида ўзига хос муҳим ва йирик тадбир саналади. Байрамлар халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутати.

Байрамлар моҳияти улар мазмуни ва ғоясига боғлиқ бўлади. Мазмун, ғоя ҳар бир байрамнинг асосини, образли қилиб айтганда «жони» ва «қони»ни ташкил этади. Тарихий жараёнда байрамлар маъноси ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, кишнинг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг исиши, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дов-дарахтларнинг гуллаши – баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завқланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади. Ана шу эҳтиёжни қондириш учун махсус вақт белгиланади. Бу саналарни белгилашда минг йилликлар

⁴ Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. Л., 1977, с.85.

⁵ Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. Л., 1977, с.84-88..

тажрибасидан келиб чиқилади. Масалан, қуёшнинг ҳамал буржиги кириш вақти «Наврўз» байрами ўтказиладиган вақт сифатида белгиланган.

Таким саҳифаларида байрам кунлари алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бироқ бу кунларнинг чинакам байрамга айланиши учун кишиларда кўтаринки кайфият бўлиши ва муайян тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Байрамларнинг яна бир ўзига хос хусусияти уларда кенг омманинг иштирок этишидир. Байрам аввало кўпчилик учун уюштирилади ва у бевосита одамларнинг иштирокида ўтади. Театрлар, концерт заллари, телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларида омма фақат томошабин, тингловчи ролини бажарса, байрамларда одамлар фаол иштирокчи сифатида қатнашади. Байрамларда ҳамма ўз қобилиятини намойиш қилиши мумкин. Кишилар байрам тадбирларини иштирокчи сифатида кузатади ва бўлган воқеаларга ўз муносабатини билдира олади.

Байрамларнинг ўзига хос яна бир хусусияти уларнинг бир неча (комплекс) тадбирлар синтезидан ташкил топишидир. Ҳар бир байрам кўплаб тадбирлар асосида уюштирилади.

Байрамнинг ташкил қилиниши – унинг мавзуси, ғоя, йўналиши махсус шакл, тадбир ва маросимлар орқали намоён этишдир. Одатда ҳир бир оммавий (айниқса, очик жойлардаги) байрамнинг очилиш маросим-тадбири бўлади. Ундан сўнг, бир жойда – байрам кўргазмалари, кўрик-танловлари; иккинчи жойда – дор ўйини, полвонлар чиқишлари; учинчи жойда - аския ва қизикчилар чиқишлари, кўғирчоқ театри томошалари; тўртинчи жойда – бадий ҳавоскорлик жамоалари, фольклор этнографик ансамбллари концертлари; бешинчи жойда – спорт мусобақалари кабилар ташкил қилинади. Анъаналар, маросимлар, театрлаштирилган концерт ва томошалар, карнаваллар, намоёишлар, халқ ўйинлари байрамларнинг

асосий таркибий қисми саналади. Оммавий байрамлар шу каби тадбирлар асосида ўтказилади.

Марказий Осиё халқларининг асосий одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, фасллар ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган. Аجدодларимиз борликдаги муҳим тўрт нарса (қуёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар билан боғлиқ тўрт улуғ кунни ҳам белгилаб, нишонлашга одатланишган. Масалан, табиат уйғониши, кун-тун тенглиги, дала ишларининг бошланиши палласида Наврўз; ёзда қуёш тик бўлиб, тун қисқа, кун узун давом этганида, ҳаво ҳарорати юқори даражага кўтарилиб, сувга эҳтиёж кучайганида сувга бағишланган тадбир – Ангом (Вахшангом), кузда кун-тун тенглашиб, йилнинг иккинчи ярми бошланганида, деҳқонлар даладаги ҳосилни йиғиб олган вақтда Меҳржон (Чири-руж, Ним-сарда); қишда энг узок тун ва қисқа кун содир бўлиб, совуқ авжига чиққанида («қишки чилла»), исинишга эҳтиёж кучайган пайтда Сада – Олов байрами (гулханларда исиниш) кабиларни уюштиришган. Милоддан олдин пайдо бўлган бу байрамларнинг барчаси кишиларнинг табиий эҳтиёжлари асосида қарор топган.

Баъзи этнограф олимлар, жумладан Н.П.Лобачеванинг фикрича, қадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёз фаслига, қуёшнинг тик туриш кунига (ҳозирги 21-22 июнга) кўчирилган. Бироқ ой тақвимида ўтилгандан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кун барабар бўлган кунга кўчирилган. Бу ҳақда Беруний шундай ёзади: «Наврўз... ўтмиш замонларда... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча давом этган

вақтда келади. Шунинг учун Наврӯз оламнинг яралиши ва бошланишига далил қилинган».

Наврӯзнинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар, мифлар мавжуд. Масалан, Зардўштилар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана «Наврӯз» кунига айнан тўғри келган.

Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун «Наврӯз» байрами деб тан олинган эмиш.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида эса янги йил, яъни Наврӯзнинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид⁶ номи билан боғланди. Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўқитади, ҳаммом, уй саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшид ишлари гуркираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатиб, унда осмонга кўтарилади. Бу «Шоҳнома»да қуйидагича таърифланади:

Тахт кўкда чарх урар мисоли куёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,

⁶ Пахлавий ва дарий тилида «нур»ни «шед» дердилар. Шунинг учун бу сўз бошига «Жам» сўзини қўшиб, «Жамшид» деб атай бошладилар.

Юзларин чолғуга, майга бурдилар.

Алишер Навоий ҳам «Тарихи мулки аҷам» номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўзни ихтиро қилганлиги баён қилинади. Навоий ёзишича: «Жамшид «Чихил минор» номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилаолмайдиган баланд бино қуриб...» «бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва ахборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, қуёш нуқта эътиқодли рабиййға тахвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ултириб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул кунининг отин Наврўз қўйди».

Беруний асарида келтирилган афсона бўйича ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши Жамшид шоҳга боғланади: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбован (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг (аравада учишига) тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар».

«Наврўз»нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бироқ «Наврўз»нинг қачон ва қандай вужудга келганлигини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки «Наврўз» коинот ва табиат қонуниятлари, яъни қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатидан баробар бўлиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда «йил боши» (қачон келишидан қатъи назар) «Наврўз»ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида «Наврўз» ибтидоий жамоа даврида одамлар деҳқончиликка ўрганганидан сўнг улар далаларда

янги иш мавсуми бошлашдан олдин ўтказадиган баҳор байрами сифатида шаклланган.

Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У «йил боши» сифатида белгиланиб, унга «Наврўз» (яъни «Янги кун») деган ном берилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Бошқа олимлар ҳисобига кўра эса, бу байрам 4 минг йил аввал жорий этилган.

Милоддан олдин қўлланила бошлаган зардўштийлик тақвими бўйича ҳозирги февраль ойининг биринчи кунида «Кичик Наврўз» (ёки «Оммавий Наврўз») бошланиб, олтинчи кунда «Катта Наврўз» (ёки «Махсус Наврўз») уюштирилган. Сосонийлар сулоласи даврида эса бу икки «Наврўз» бирлаштирилиб, кичик ва катта «Наврўз» ўртасидаги барча кунлар байрам, деб эълон қилинган.

Муайян даврларда «Наврўз» байрамини нишонлаш бир ойгача чўзилган. Бу ҳақда Беруний қуйидагиларни баён этади: «Кейинги подшоҳлар бу ой, яъни фарвардин мошнинг барча (кунлар)ни ҳайитга айлантириб, уларни олтига тақсим этдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун; иккинчиси – улуғ кишилар учун; учинчиси – подшоларнинг қуллари учун; тўртинчиси – хизматкорлар учун; бешинчиси – халқ оммаси учун; олтинчиси – чўпонлар учун».

Подшоҳлар ўзлари учун белгиланган беш кунни қуйидаги тартибда, яъни биринчи кун «подшоҳ наврўз куни ҳайитини бошлаб, одамларга ўзини халқни қабул қилиши»ни билдиради. Иккинчи куни мартабаси жуда юқори кишилар..., деҳқонлар ва (машҳур) хонадон аҳллари, учинчи куни отлиқ сипоҳлар ва улуғ донишмандларни, тўртинчи куни ўз уйдагиларини, яқин ва хос кишиларни, бешинчи куни эса ўз ўғиллари ҳамда қарамоғидаги кишиларни қабул қилиш учун ўтиради. Олтинчи куни эса, ўзи учун Наврўз қилади».

Подшо бундай катта қабуллардан жуда катта фойда орттирган. Чунки у келувчиларнинг мартабаларига қараб, уларнинг ҳадяларини

хузурига келтиришга буюрган ва ҳадяларни диққат билан текшириб, хоҳлаганларини тақсим қилиб берган, хоҳлаганларини ҳазинасига қўйган.

Исломгача бўлган «Наврўз» байрамининг оддий халққа тегишли одатлари ҳам диққатга сазовордир. Ўша замонларда «Наврўз» куни одамларнинг бир-бирларига шакар ва ширинликлар ҳадя қилиши (ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода), гуллар тақдим қилиши (гўзал бўлинг маъносида), бир-бирларига сув сепиши (бу йил сув кўпайсин, ҳосил мўл бўлсин маъносида) каби одатлар кенг тарқалган. Наврўз куни ширинликлар ейиш энг муҳим удумлардан бири бўлган. Наврўз куни тонг отганда ҳар бир киши гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч бўлак (хушбўй) мум еса кўп касалликлардан фориғ бўлар экан.

«Наврўз»га тайёргарлик кўриш одатларидан яна бири буғдой ёки арпа донини ёғоч идишда ўстириб, уни баҳор даракчиси сифатида дастурхоннинг ўртасига қўйиш одат бўлган. Байрам арафасида қадим аждодларимиз етти хил дон буғдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловиядан гўжа тайёрлашиб, уни кўни-кўшниларга, қариндошларга тарқатишган. Бундан ташқари, эронийларда «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил кўк ўсимлик себ-олма, сабзи, сирсаримсоқпиез, сирка, сатар-тошгул, сиёҳдон-қора данак, синжидёввойи зайтун кабилар уруғидан ўстирилган кўкатлар билан дастурхон безатиш Наврўз байрамига хос одат тусига кирган. Шунингдек, улар дастурхонларига турли қуритилган шарбат, бўялган тухум ва бошқа нозу-неъматлар қўйишган. Арвоҳлар руҳини шод этиш мақсадида шамлар ёқишган. Наврўз байрами дастурхонида албатта катта идишга сув тўлдириб, унга кўк барг (кўкат) солиб қўйишган. Бу одат янги йил сувга ва экинга мўл бўлсин деган маънони билдирган. Умуман, «Наврўз»га хос барча одатлар замирида халқ-эътиқоди баланд бўлган.

XIX аср охири чорагидан бошлаб, чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олиб, уни ўз мустамлакасига айлантирди. Ўлканинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Жумладан, бу ерга ўз байрамларини ҳам олиб келди.

Мустамлака йилларида чор ҳокимияти – Туркистон генерал-губернаторидан тортиб, мингбоши ва қозиларгача – халқни миллий озодлик ҳаракатидан чалғитиш, маҳаллий аҳолини итоатгўй, муте ҳолатда сақлаш, шу тарзда мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида халқ байрамлари ўтказилишига йўл берилган. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Тошкент яқинидаги Зангиота ва Тўйтепа сайилгоҳларида уюштирилган Наврўз байрамларида генерал-губернатор Фон Кауфманнинг шахсан ўзи қатнашган ва у гиламлар тўшалган тўртбурчакли майдон саҳнасида қамаштирувчи миллий кийимлар кийиб ўйнаган уч нафар раққосага ўз қўли билан совғалар улашган. Мустамлакачилар бу каби ҳаракатлари орқали ҳам маҳаллий халқ орасида ўз обрўсини оширишга интилан. Бироқ бу анжуманларда миллий мустақиллик, ҳуррият тўғрисида ҳам гап-сўзлар бўлиб тургани учун мустамлакачилик халқ байрам-сайиллари ўтказилиши тақиқлаб қўйилган. Ҳатто, дорбозлар ҳам дор тикиб, ўйин кўрсатиш учун миршаблардан рухсат оладиган бўлган⁷.

Шўролар эгаллаб олган ҳокимиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб, халқларнинг миллий ва диний байрамлари тақиқланди. Айниқса, Наврўзнинг тақдири оғир бўлди. Аввалига шўро сиёсатдонлари Наврўзни коммунистик мафкурага хизмат қилдириш учун ҳаракат қилишди. Шу мақсадда илк баҳор пайтларида шаҳарлардаги майдонларда сиёсий томошалар ташкил этилди. Бу сиёсий томошаларни уюштиришга маҳаллий зиёлилар мажбурий тарзда жалб этилди. 30-йиллар бошида «эскилик сарқитлари»га нисбатан қарши кураш давлат сиёсатига айланди. Шўролар қадимий

⁷ «Гулистон» журнали. №6, 1998, 13 бет.

миллий, маънавий, маданий мерос, урф-одатлар, маросимлар, байрамларни тафтиш қила бошлашди. Аммо маҳаллий миллат кишилари чекка жойларда яширин тарзда анъанавий байрам, маросимларни ўтказаверишди.

30-50-йилларнинг шахсга сиғиниш давларида анъанавий халқ одатлари ва байрамларини ҳимоя қилмоқчи бўлган зиёлилар «шўро давлати сиёсатига қарши ёт унсур» ёки «миллатчи» деб айбланган. Ҳатто диний мазмунга эга бўлмаган халқ маросимларида қатнашган кишиларга нисбатан турли жазо чоралари ҳам кўрила бошланган. Шўро сиёсатдонлари қатоғон йилларида Наврўз байрами ўрнига «Колхоз тўйи» деган байрамни жорий этишди.

Коммунистик маданият тарафдорлари, яъни «эскилик сарқити»га қарши курашувчи фаоллар халқни ўз миллий, анъанавий байрамларни нишонлашига йўл бермас эди. Миллий байрамларга, жумладан Наврўзга «эскилик сарқити» деб қаралиб, унга диний байрам тамғаси босилди. Шўро сиёсатдонлари Наврўзни ёқлаган кишиларни «халқ душмани» деб айблашди ва уларни қатағон қилишди. Аммо миллий ва диний байрамлар яширинча ўтказилаверди. Одамлар гўё дала сайлига чиқишгандек бўлиб, у ерда Наврўзни нишонлашган. Бундан хабар топган шўро фаоллари уларни турли тарзда таъқиб этишган. Шўро даврда Наврўзни нишонлаётганларни қўлга олиш компаниялари уюштирилган. Наврўз байрами ташкилотчилари, иштирокчилар давлатга қарши фитна уюштирилаётганликда айбланиб, ҳибсга олинган.

60-йиллар бошларида шўро мамлакатларида ҳам миллий масалада бир оз «илиқлик» пайдо бўлиб, миллий байрам, маросимларни ўтказишда сал жонланиш рўй берди. Матбуотда халқ урф-одатлари, байрамлари ҳақида мақолалар ҳам пайдо бўлди. Илғор фикрли зиёлилар маданият соҳаси айрим раҳбарлари ташаббуси билан жойларда Наврўз байрамини ўтказиш ҳаракати бошланди. Аммо

Наврӯз давлат байрами сифатида тан олинмади. Кўпгина зиёлилар, айрим раҳбарлар Наврӯзнинг чинакам дунёвий, чинакам халқчил байрам эканини сезсалар-да, ўтмишдаги қатоғонларни эслаб, бу анъанани қўллаб-қувватлашдан чўчидилар⁸. 60-йиллар ўрталарида маълум халқ байрамларига бирмунча эътибор берила бошланган бўлса ҳам кишиларда шўро сиёсатидан қўрқиш кайфияти кучли эди. Шунинг учун миллий анъанавий байрамлар, диний маросимлар имижимида, яширин тарзда ўтказилган.

70-йилларга келиб, шўролар халқ байрамларига қарши норасмий кураш бошлади. Маҳаллий ҳокимият вакилларига жойларда миллий байрамлар ўтказилишига йўл қўйилмасин, уларнинг ўрнига янги совет байрамлари ўтказилишини уюштириш зарурлиги ҳақида партия органлари томонидан очик ва ёпиқ буйруқлар бўлар эди. Чунки шўро сиёсатдонлари миллий уйғониш бошланишидан қаттиқ қўрқар эди.

80-йиллар ўртасида шўролар давлати инқироzi бошланганида улар охирги кучларини тўплаб, ўз мафкурасини сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишди. 1985-1987 йилларда оммавий ахборот воситаларига Наврӯз байрами ҳақида бир оғиз ҳам гапирмаслик тўғрисида фармойишлар берилди. айрим коммунистик раҳбарлар сумалак қайнатилаётган қозонларни ағдариб ташлашган. Бу кишиларнинг нафратини кўзгатди ва қаттиқ тортишувларни вужудга келтирди. Зиёлилар Наврӯз қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг мазмуни табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва Наврӯзни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлиги ҳақида жиддий мулоҳазалар айтилди. Шунда шўро сиёсатдонлари «Наврӯз» ўрнига «Навбаҳор» номли янги байрам ўтказилишини таклиф этишди. Бу янги байрам тадбирлари сифатида илгари Наврӯз таркибида бўлган ҳашар, кўчатлар ўтказиш, хотирлаш

⁸ «Гулистон» журнали. 1998 йил, 6 сон, 13 бет.

маросими, кабристонларни обод қилиш ва бошқа эски маросимларга ҳам янгича тус беришга уринишлар бўлди. Республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари Наврўз байрами ўтказилишини фақат икки йил 1986-1988 йилларда тўхтата олдилар. Бироқ миллий онги уйғониб қолган зиёлилар, илғор ёзувчи, олимлар Наврўз байрами таққиланишига қарши чиқишди. Наврўзни сақлаб қолиш-миллий-маданий анъаналарни сақлаб қолиш ҳаракатига айланди. Илмий анжуманлар, ёзувчилар йиғинларида Наврўзни ҳимоя қилувчилар сафи кенгайди. Маҳаллаларнинг илғор фикрли миллатпарвар раҳбарлари Наврўзни нишонлаш юқори идоралар томонидан таққиланишига тескари тарзда бу байрамни жойларда ўтказаверишган. Бундай ҳаракатлар натижасида миллий анъаналар ва байрамларни ҳаётга қайтариш жиддий даражага кўтарилган. Анъаналар учун кураш миллат равнақи учун курашга, миллат равнақи учун кураш эса мустақилликка эришиш йўлидаги курашга айланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлаби даврларида халқ байрамларини тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунга кенг жамоатчилик эътибори жалб этилди. Натижада, «Халқ байрамларини тиклаш муаммолари» бўйича ишчи гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ фаол зиёлилардан таркиб топган эди. Мазкур гуруҳ ҳар йили 21 мартдан 21 апрелгача бўлган мудда «Инсонийликни ва табиатни эъзозлаш ойлиги» сифатида белгиланиб, бу вақтда «Наврўз», «Хотира куни», «Биринчи пушта», «Биринчи экин», «Дон, майса ва сув экини», болалар учун «Бойчечак» байрамларини ўтказишни тавсия қилди. Бу эса хайрли ишларга дебоча бўлди.

90-йилларга келиб халқ байрамлари кунида «Катта томошалар» кўрсатилиб, масҳарабозлар, қизикчилар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар, полвонлар иштирокида азалий халқ томошалари намойиш этила бошлади. Бу пайтда халқ байрамларида аскиябозликлар, мушоиралар, халқ ўйинлари ўтказилиши анъанага айланди. Байрамлар халқимизга

хос энг яхши урф-одатлар ва анъаналарни намоиш этадиган муҳим тарбия воситаси эканлиги, шўролар даврида халқ маросимлари, анъаналари ҳам йўқола борганлиги ва бу инсонпарварлик анъаналарини тиклаш зарурлиги ўша даврда оммавий ахборот воситаларида жиддий таъкидлана бошланди.

Шўролар даврида миллий байрамларнинг бирортаси ҳам расмий байрам сифатида йиллик календарда кўрсатилмаган эди. Мустақиллик арафасида ҳам миллий байрамларни тиклаш ҳақида гап кўп эдию, аммо уларни нишонлаш ҳақида расмий ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди. И.А.Каримов Республика раҳбари бўлганидан кейингина шундай ҳужжат пайдо бўлди. 1989 йил 28 февралда унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1990 йилда эса 21 март ва умумхалқ «Наврўз» байрами дам олиш куни деб эълон қилинди. Ушбу воқеани мамлакатимизнинг бутун аҳолиси чуқур мамнуният, кўтаринки рух билан кутиб олди.

Республикамиз раҳбари И.А.Каримов 1990 йил бошида халқ вакиллари, депутатлар, зиёлилар билан бўлган кенгашда шундай деган эди: *«Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто, ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар «Наврўз» байрамига, миллий-кийим-кечакка қариши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қариндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйиқ ўтказилди. Диндорлар билан мулоқатда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. Хуллас, бўлганича бўлди. Шунинг учун бугун бу ишларни қаттиқ қоралашимизни, халқ анъаналарига, унинг меросига, одамларнинг диний эътиқодларига қатъий ҳурмат ва*

*эътибор билан қараш кераклигини яна бир бор уқдириб ўтмоқчиман».*⁹

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий анъаналарни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу-истакларидан келиб чиқиб, азалий байрамларни тиклашга катта эътибор бера бошлади. Президент И.А.Каримов фармонлари асосида халқимизнинг тарихий мероси бўлган Наврўз билан бир қаторда, диний байрамлар – Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити ҳам расман тикланди.

⁹ «Тошкент ҳақиқати» газетаси.1990 йил, 27-февраль.

I БОБ

Наврўз байрамида иштирок этган фольклор этнографик жамоалари репертуарининг таҳлили. (1989-1993 йиллар)

Наврўз, мустақиллик даврида анъанавий асосларни тиклаш ва ривожлантириш йўлидан бориб, ўзига хос маданий-бадий ҳодиса сифатида шаклланди. Миллионлаб кишиларда бир хилда байрамона кайфият, кўтаринки рух уйғотиб, уларни бирлаштиришга хизмат қилди.

Наврўз томошалари-бу шунчаки турли санъатлар, ҳаётдан олинган ҳодисаларнинг ёнма-ён, бирин-кетин берилиши эмас, балки уларни катта майдонларга мослаштириб бадий қайта ишлаш, бири-бирига сингдириб мутаносиблик ва уйғунлик ҳосил қилишдир. Бинобарин, Наврўз томошалари санъат асарлари, ҳаётдан олинган урф-одатлар, меҳнат лавҳалари, спорт машқлари, ҳарбий намоёишлар, нотиклик, шеърхонликдан яхлит бир янги бадий манзара ясовчи ўзига хос санъатдир.

Айнан шу мустақиллик даврида Наврўз санъатининг ўзига хос мустақил тури даражасига кўтарилди, ўз драматургияси, ўз режиссурасига, ўз табиатига эга бўлди, дейишимизга асос беради.

Ўтмишда ҳам Наврўз томошалари, сайиллари, ўйинлари ва мусобақаларини ўтказишда ўзига хос драматургия бўлган, албатта. Бутун аҳоли, жамият бу тартибни яхши билган, анъана сифатида халқ хотирасида муҳрланиб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Айниқса, сайилбошилар, санъаткорлар касабаларининг, ижодий гуруҳларининг раҳбарлари Наврўз байрамининг умумий тартибини, қаерда нима бўлишини, қандай ўтишини яхши билишган. Лекин шунга қарамасдан, байрам арафасида яна бир карра тартибни эслаб, қаерда, қачон, нима ўтишини, кимлар, қандай ижодий гуруҳлар

қатнашишини, томошабинлар қандай жойлашишини хомчўт қилганлар.

Халқнинг уйғониб келаётган миллий ғурури Наврўз байрамига жиддийроқ ёндашишни, ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни, уни махсус тайёргарлик кўриб нишонлашни такозо этди. Бир қатор мақолалар ва рисоалар яратилди. Яхши ният билан навбатдаги Наврўз айёми учун оммавий тадбирлар ва томошаларнинг сценарий мавзулари, ғоялари ва ёзмалари вужудга кела бошлади. Туманларда шу сценарийлар негизида байрам томошаларини тайёрлаш ҳаракати бошлаб юборилди.

Тошкентда ҳам халқ урф-одатларини илмий тадқиқ этган олимлар, уларни яхши билган ижодкорлар Наврўз томошалари сценарийларини ёзишга жалб этилдилар. У. Қорабоев, Б.Аминов, Б.Ҳамидов, Ғ.Ғофуров, М.Ботиров, Б.Норбоев ҳар бири ўз сценарийси билан чиқди. Аммо 1990 йил ҳам Наврўз бош майдонда ўтмади. Минг-минглаб кишиларнинг бу сиёсий майдонда тўпланишидан, Наврўз юзага келтириши мумкин бўлган бирлигидан, намоишидан чок-чокидан сўкилиб бораётган иттифоқ корчалонлари чўчир эди. Наврўзни Халқлар дўстлиги майдонида халқ сайли тарзида ўтказишга рухсат берилди. Майдоннинг икки ёнида турли миллат маданияти марказларининг ранг-баранг чодирлари тикилди, уларнинг турмуш тарзи, меҳнатидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар уюштирилди. Ҳар бир чодир олдида муваққат сахна тайёрланиб, ўша халқнинг миллий куй ва кўшиқлари, рақслари ижро этилди. Халқлар дўстлиги саройи олдидаги асосий сахнада эса республиканинг етакчи санъаткорлари ва ижодий жамоалари ўз санъатларини намоиш этдилар. Бошқача айтганда, Наврўз байрамининг умумий режаси бўлган, албатта, лекин Халқлар дўстлиги майдонида у узвий, пухта ўйланган томоша сифатида ўтмаган. Сценарийда кўрсатилган биргина «Наврўз карвони» уюштирилган, холос. Унга режиссёр Бахтиёр Ҳамидов

умумхалқ байрами Ўзбекистонда яшайдиган барча халқники, деган ғоявий мазмунни сингдиришга ҳаракат қилган.

Байрам нуроний қарияларнинг оқ фотиҳаси билан бошланади. Сўнг карвон кўринади. Карвонда юздан зиёд созандаю хонандалар, масхарабозлар, қизикчилар, кўғирчоқбозлар, раққослар, чавандозлар, туя етаклаган сарбонлар, тош кўтарган паҳлавонлар, муаллақчилар, илон ўйнатувчи ромчилар байрамона либосларда ҳар қайсиси ўз санъатини намойиш қилиб ўтади. Уларнинг баъзилари махсус безатилган араваларда намоён бўладилар. Аравалар сахналарга айланиб, ҳаракат пайтида ҳам томоша кўрсатиб борилади.

Карвон аслида ўз ҳаракатини эски шаҳардан, Чорсудан бошлаб, Хадра орқали Халқлар Дўстлиги майдони томон юрган. Бекатларда, гавжум жойларда бирмунча тўхтаб, аҳолини Наврўзи олам билан табриклаб, бир-икки санъат намунасини кўрсатиб борган. Ажиб бир манзара юзага келган. Халқлар дўстлиги майдонидан бирин-кетин ўтиб бўлгач, карвон гуруҳларга бўлиниб кетиб, майдоннинг турли жойларида томошалар кўрсатган. Уларда меҳнат, баҳор, халқлар дўстлиги мавзулари етакчилик қилган. Ижодий гуруҳлар ўринларини алмаштириб, кечгача аҳоли хизматида бўлишган. Умуман, Халқлар дўстлиги майдонида халқ ижодиёти ва маросимлари тараннум этилди. Бу ишда фольклор-этнографик ансамблларнинг хизмати катта бўлди.

Ҳозир Сайилгоҳ номини олган ёпиқ кўчада, Шайхонтоҳурдаги Шоирлар хиёбонида Наврўзнинг байналмилал моҳиятини сақлаган сайиллар, концертлар бўлиб ўтган. «Шу куни,-деб ёзади «Тошкент оқшоми» газетаси муҳбири С.Ёдгоров,-эрта тонгдан то кечгача шаҳримизнинг истаган бурчагида, истаган даҳа ва мавзеларида, маҳаллаларида, ҳар бир оилада Наврўз байрами кенг нишонланди». Турли миллатга мансуб кишилар қўлни қўлга бериб, бағрикенлик,

меҳригиёлик билан, шоду хуррам, гина-қудуратсиз, адоватсиз байрам қилдилар.¹⁰

Бутун мамлакатда Наврўз мана шундай анъанавий шаклларда, байналмилал байрам сифатида нишонланди. Асосан жамоатчилик вакиллари, меҳнат фахрийлари бош-қош бўлдилар. Аксарият жойларда Наврўз халқ сайли сифатида ўтди, инсон, жамият ва табиат бирлигини улуғлаши, кўлами, жозибаси билан миллион-миллион дилларга қувонч ва сурур бахш этди.

Замон оғир ва мураккаб, алғовли-далғовли эди. Халқни тинчитиш, ҳар хил низолар, қутқуларнинг олдини олиш, миллатлараро тотувлик, биродарликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ўта муҳим эди. Наврўз ўзининг байналмилал моҳияти билан шу олижаноб мақсадга хизмат қилди. Хуллас икки қиррали мақсад, яъни бир томондан томоша анъаналарини тиклаб, Наврўз таркибига киритиш, иккинчи томондан, байрамнинг байналмилал руҳини сақлаш ва кучайтириш Тошкентда ва мамлакат бўйлаб ўтган юзлаб сайиллар, намоишлар, маросимлар, кўргазмаларнинг моҳиятини белгилади.

Айнан шу 1990 йил Наврўз, шоир Абдулла Орипов ибораси билан айтганда, яна ўзининг олтин тахтига ўтирди.¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида» махсус Фармони чикди. Ҳар йили **21 март дам олиш куни ва умумхалқ байрами** деб эълон қилинди. Умуман санъатни ривожлантиришдаги хизматлари, жумладан Наврўз байрамини ва ушбу байрамга бағишланган узлуксиз телекўрсатувларни тайёрлаш ва намоиш қилишда фидокорона меҳнат қилгани, юксак маҳорат кўрсатганлиги учун 47 нафар ижодкор ва ташкилотчи фахрий унвонлар ва ёрлиқлар билан мукофотландилар. Фармонда шундай хулоса ясалган эди: «Наврўзнинг байрам қилиниши чинакам умумхалқ сайлига айланди, унда Ўзбекистонда яшаётган

¹⁰ «Тошкент оқшоми», 1990 йил 23 март

барча миллат ва элатларнинг энг яхши анъаналари, профессионал ва ҳаваскорлик санъатининг намуналари намоён бўлди».

Байрамлар ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитаси 1991 йил Наврўз байрамига тайёргарликни бошлаб юборар экан, ўтган йиллардаги тажрибаларга таяниб, Наврўзнинг умухалқ байрами моҳиятини, халқчиллиги, оммавийлигини янада мустаҳкамлаш йўлини тутди. Байрам жамиятнинг илғор қатлами онгида миллий озодлик, миллий ғурур ҳиссини уйғотибгина қолмай, балки собиқ иттифоқ ҳукуматининг жонсарак, пала-партиш сиёсати туфайли миллатлар орасида юзага кела бошлаган ўзаро гумонсираш ва таранглик кайфиятига барҳам бериш, ўзаро ишонч ва дўстлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлашга хизмат қилиш воситаси бўлиши лозим эди. Шу боисдан ҳам Наврўзнинг асосий томошасини Тошкентдаги ҳукумат уйи олдидаги шўролар ҳокимиятининг шиорлари, рамзлари тўлиб-тошган Бош майдонида ўтказишга қарор қилинади. Бу Наврўз мавқеини узил-кесил умумхалқ байрами сифатида тиклаш имконини яратди. Тошкент ҳокимлиги байрам ўтказиш муваққат дирекциясини тузиб, уни етарли моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлади. Шаҳарни безаш, асосий майдондаги томоша учун безак ва жиҳозлар яратишда муайян бадийий ғояларга таянишга ҳаракат қилинди. Илк бор шўролар тузумининг рамзи бўлмиш қизил ранг ўрнини яшариш, поклик ва қут-барака рамзлари-яшил, зангори, оқ ранг эгаллай бошлади.

Бош майдондаги байрам томошасининг ғоявий мақсади Ўзбекистон ҳукумати ва унинг Президенти И.Каримов томонидан саҳналаштирувчи ижодий гуруҳ олдида қўйилган баҳорий кайфият, гўзал анъаналар, тўкин дастурхон орқали турли миллат вакиллари бирлаштириш, юзага кела бошлаган мустақиллик майлларини кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим эди. Томоша сценарийси (У.

¹¹ «Тошкент оқшоми», 1990 йил 18 январ

Қорабоев, Б.Аминов, Б.Норбоев) ва сахнавий талқинда (бош режиссёр Р.Ҳамидов) ана шу ғоявий мақсад ўз ифодасини топди. Шунингдек, томошада Она Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилиш назарда тутилган. Томошабинлар ҳайкалнинг икки ёнида жойлашган, ҳукумат аъзолари ҳам улар орасида ўрнашган. Томошалар катта сахнада ўтказилган. Майдоннинг тўрт томонида Тошкентнинг 12 дарвозасининг рамзий кўринишлари, кўлларида ранг-баранг байроқчалар ушлаган ёшларнинг жонли девори дарвозаларни бир-бирига боғлаб туради. Чор атроф баҳор рамзлари, ҳаво шарлари, осуда рангли байроқлар билан безатилган.

Соат 11.00. Карнайчиларнинг чакирик овозлари янграйди. Жонли парда очилади. «Қадимий шаҳар» ҳокими Буюк Ипак йўли орқали узоқ ва яқин юртлардан меҳмонлар ташриф буюрганини эълон қилади. Дарвозаларни очишни буюради. Дарвозалардан карвонлар кириб кела бошлайди. Карвонда Республикамизда яшовчи халқларнинг ўша пайтлар энди ташкил топаётган миллий маданият марказларининг миллий либосларда кўлларида соз ва гуллар тутган фаоллари, санъаткорлари, ҳар жойнинг ўзига хос либосларини кийган вилоятларнинг вакиллари намоён бўладилар. Ҳар қайси вилоят Тошкентга ўзининг энг яхши фольклор ансамблини йўллаган. Сурхандарёнинг «Бойсун», Андижоннинг «Сумалак», Самарқанднинг «Беш қарсак», Бухоронинг «Нозанин» ансамбллари шулар жумласидандир. Ҳар бир ансамбль майдонда ўз репертуаридаги энг сара томошасини кўрсатади.

Чунончи, «Бойсун» ансамбли сув ва деҳқончилик билан боғлиқ қадимий «суст хотин» номли театрлашган томошасини намоёиш этган. Суст хотин қиёфасини ясаб, кўтариб олишган. Унинг атрофини ўраб олган қишлоқнинг каттаю кичик (ансамбль иштирокчилари) нақорат айтиб, Суст хотин қиёфаси ёнида бораётган киши кўшиқ айтиб боради:

Нақорат:

Суст хотин, султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.

Яккахон:

Ёмғир ёғсин, ҳўл бўлсин,
Ёру жаҳон кўл бўлсин.
Майсалар кулоқ ёйсин,
Суту қатик мўл бўлсин.

Нақорат:

Суст хотин, султон хотин,
Кўланкаси майдон хотин.

Яккахон:

Ёмғир ёғсин, кўк бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин.
Арпа, буғдой бош тортсин,
Кайвонилар ош тортсин...

Томоша сўнгида ижрочилар «Суст хотин»га ва бир-бирларига сув сепганлар. Сув-мўл ҳосил гарови, деган ғоя томоша моҳиятини белгилаган. «Суст хотин» маросим томошасига «Яда тош рақси» уланиб кетган. «Бойсун» ансамбли туркий халқлар орасида қадимдан «Суст хотин» маросими сингари Яда тоши билан ёмғир чақириш одатини рақс шаклида тиклаган бўлиб, Тошкентда ҳам ижро этишган эди. Раққос холдор тошларни бир-бирига уриб ансамбль жўрлигида жўшқин ҳаракатлар билан ўйинга тушади. Унга бошқалар ҳам қўшилади.

Намойиш тугайди. Мусиқа садолари остида бахт куши-Хумо пайдо бўлади. Бутун майдон ҳаракатга келади. Барча ҳаяжонда. Марказий сахна тўридан Ер шари ва унга боғланган Ўзбекистон Байроғи осмонга кўтарилади. Мусиқа тинади. Микрофон олдида шаҳар раҳбари келиб, йиғилганларни Наврўзи олам билан қутлайди,

бахт-саодат тилайди. Сўнгра «Наврўз сюитаси» номли театрлашган хореографик томоша бошланади. Увертюра бошланар экан, сахна ортидан миллий либослардаги қиз-йигитлар майдонга бодрокдек сочилиб кетадилар. Қўлларида куртак очган новдалар. Бошловчининг жўшқин овози янграйди. Унинг «Элим соғинди Наврўзни...» деган сўзларини томошабинлар ҳам тўғри, ҳам истиклол соғинчи маъносида қабул қиладилар. Дарвозалардан Баҳорой, Дехқонбобо, Гул ва Насриддин-умумлашма-рамзий тимсоллар кириб келишади ва байрам аҳли орасига сингиб кетишади. Бирин-кетин сюитадаги рақслар ижро этилади. Шодиёна карнай-сурнай оҳанглари билан якунланади.

«Қадимий шаҳар» халқи тин олади. Бошловчи байрамга буюк шоиру фузалолар ташриф буюрганини эълон қилади. Шаҳар остоналарида Наврўзни улуғлаган буюк сиймолар пайдо бўладилар. Уларнинг олдидан жонли йўлаклар ҳосил қилинади. Марказдан оқ либосда Алишер Навоий (З.Муҳаммаджонов), ён томонлардан Ҳофиз Шерозий (Ё.Аҳмедов), Ҳисрав Дехлавий (Р.Авазов), Хоразмий (С.Умаров), Муқимий (Ф.Фаёзов) кириб келиб, сахнага кўтариладилар. Улар орасида «Наврўз мушоираси» бўлиб, илик қарсақлар билан қарши олинади. Сўнг улар бориб томошабинлар қаторидан жой олишади.

Майдон бир қадар ташвишли тўлғонади. У ер-бу ерда қилич ва қалқон тутган кишилар. Тўмарис (М.Иброҳимова) пайдо бўлади ва барчани тинчлик-тотувликка чақирувчи нутқ (монолог) сўзлайди. Навоий театрининг балет жамоаси унга рақс ҳаракатлари билан жўр бўлиб туради. Тўмарис ҳам гулдирос қарсақлар остида халқ орасига сингиб кетади.

Оташин мусиқа ўйчан, лирик оҳанглар билан, сўнг қувноқ оҳанглар билан алмашиб, «Наврўз табассуми» бошланади. Сахнада масхарабозлар, аскиячилар, муқаллидлар намоён бўлишади. Ёғочоёқ, ёғоч от минган ўйинчилар «От ўйин» кўрсатишади. Бир пайт икки

жажжи полвон кураш бошлайди. Ёғочоёқда турган ўйинчи уларга ҳакамлик қилиб туради. Кураш қизгин тус олиб, пировардида полвонлардан бири ғолиб келади. Не кўз билан кўрингки, икки полвон курашини жонлантириб кўрсатган аслида бир киши-гўзал раққоса экан. Сўнг бир шингил аския пайрови бўлиб ўтади.

Саҳнада меҳнат аҳли. Майдонда, бадий фондда саҳнада меҳнат манзаралари. Омочлар чархланади, ер ҳайдалади, ўт ўрилади. Саҳнада аёл билан эркак кишининг она тупроқ, меҳнат ва ҳосил тўғрисида диалоги кетади (бунда Э.Воҳидов шеърдан фойдаланишган). Даврага Дехқонбобо билан Баҳорой кўшилади. Мавзу экология масаласи томон бурилади. Кейин саҳнада далага кўш чиқариш, биринчи уруғ сепиш маросими кўрсатилади. Унга Дехқонбобо бошчилик қилади. «Бойсун» ансамбли мана шу маросимнинг чиройли қилиб театрлаштирилган шаклини намойиш қилади.

Уруғлар ерга қадалгач, халқ шодиёнаси бошланади. Наврўзой Дехқонбобого ёғоч товоқда ниш уриб турган буғдой майсасини тағдим этади. Дош қозонларда «ўт» ёқилади. Сумалак, ҳалим тайёрлаш бошланади. Фольклор ансамблларининг куй-кўшиқлари оламини тутади. Секин-аста уларнинг ўрнини миллий маданият марказлари санъаткорлари эгаллайди. «Дўстлик навбаҳори» хореографик композицияси намойиш қилинади.

Майдоннинг икки ёнидан ерга маҳкам боғланган маҳобатли икки шар учирилади. Наврўз карвони сафланиб, йўлга тушади. Шу билан «Қадим шаҳар»да Наврўз томошаси якун топади.

Асосий томоша тугагач, майдон сайилгоҳга айланди. Майдоннинг ҳар жойларида машҳур хонандаларнинг чиқишлари, «Қирқ тош», «Тепки», «Ҳакка», «Арқон тортиш» каби халқ ўйинлари кечгача давом этди. Халқ амалий-безак санъати ва ҳунармандлиги дўконлари, миллий таомлар расталари хизматда бўлди.

Шундай қилиб, 1991 йилдаги Бош майдонда кўрсатилган асосий Наврўз томошасида атрофлича ўйланган, изчил мазмун ва шаклга, ўз қаҳрамонларига эга, бошланиши, ўзаро боғланган асосий қисмлари, тугуни ва ечими бўлган драматургия яратилди. Наврўз байрами гўё қадимий шаҳри азим Тошкентда мозийда бўлиб ўтгандай. Бир томондан Наврўзнинг буюк яратувчилик кучи-қудрати, таровати, тинч-тотув яшашга даъвати, иккинчи томондан, Тошкентнинг ҳам ўтмишда, ҳам ҳозир халқлар дўстлиги, дўстона маданий ва иқтисодий алоқаларни куйлаб келган буюк шаҳар экани ўз аксини топди. Байрам томошаси драматургияси яратилишида байрамнинг бош режиссёри Р.Ҳамидовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Зеро, мазкур драматургия-сценарийнинг шунчаки жонлантирилиши эмас, балки саҳналаштириш жараёнида ҳосил бўлган мутаносиблик, яхлитликдир. Аммо тарихий ва афсонавий-рамзий қаҳрамонларнинг ҳаддан ташқари кўплиги (улар 11 нафар), мавзулар доирасини кенгрок олишга интилиш театрлашган томошанинг баъзи ўринларида тарқоқлик ҳосил қилганини ҳам айтиб ўтиш керак.

Тошкентнинг Сайилгоҳ кўчасида, Халқлар дўстлиги, Ҳадра майдонларида, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри олдидаги фавворали майдонда ҳам сайиллар бўлиб, томошалар кўрсатилди. Ҳар бирида Наврўзнинг маълум бир қирраси ўз ифодасини топди.

Халқлар дўстлиги майдони миллий маданият марказларининг қароргоҳига айлантирилди, чодир ва ўтовлар тикилди, ҳар бир халқ ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар ташкил қилинди. Сарой олдидаги муваққат саҳнада тожик, қozoқ, уйғур, арман, бошқирд, яҳудий, корейс, қрим татарларининг куй-қўшиқлари, рақслари, театрлашган маросимлари намоёиш этилди.

Тошкентликлар ва хорижий меҳмонларнинг оромгоҳи бўлиб қолган Сайилгоҳ кўчаси Наврўз куни сўрилар ўрнатилган, сумалак ва

ҳалимлар пишган, ҳар тарафга кўзни қамаштирувчи гиламлар, гул кўрпачалар тўшалган миллий манзилга айланди. Унда халқ оқими кучли бўлишини ҳисобга олиб, учта томоша майдончаси ўрнатилди: бири: «Зарафшон» ресторанига яқин жойда, иккинчиси ресторан билан Сайилгоҳ ўртасида, учинчиси рус драма театри дарвозаси олдида. Биринчисида спорт намоёндалари ўз маҳоратларини намоён этган бўлсалар, қолган икки сахнада бадиий-мусиқий тадбирлар ўтказилди. Тадбирлар «Алишер Навоий ва Насриддин Афанди» деб аталган театрлашган томоша билан бошланади. Эшакка минган афанди Хиёбон томондан ашулани ванг қўйиб театр томон кела бошлайди.

Орқасидан турли-туман кийинган бола-бақра эргашган. Майдончадаги санъаткорлар уни кулиб қарши олишади. Ҳазил-мутойиба, Наврўз ҳақида баҳс бошланади. Халқ орасида баҳсни кузатиб турган Алишер Навоий сахнага кўтарилади. У «Ҳар тунинг қадр ўлибон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» байтининг маъносини тушунтиради. Бир чимдим шеърхонлик бўлади. Томоша Навоий сўзи билан айтилувчи «Ялли-ялли» билан якун топади. 25 дақиқа давом этган ушбу томошани А.Қодирий номидаги Маданият институти ўқитувчилари ва талабалари тайёрлаган бўлиб, мақсад одамлар эътиборини маънавий қадриятларга қаратиш эди. Бундан ташқари, машҳур санъаткорлар, ҳаваскор ижрочиларнинг чиқишлари ҳам бўлиб ўтган. «Бойсун» фольклор ансамбли шу ерда хизматда бўлган. Сўриларда халқ ҳофизлари, аскиячилари гурунг қилганлар.

Алишер Навоий номидаги театр майдони болалар ижодиётига ажратилди. Асосий томошалар театр зиналарида кўрсатилди. Бундан ташқари, «Тошкент» меҳмонхонаси олдида спорт ўйинлари, «Правда Востока» кўчасида қўғирчоқ театри, асфальтга расм чизиш, катта магазин тарафда қушлар, болаларнинг бадиий-техник ижодиёти кўргазмалари ташкил этилди. Фаввора атрофида эса ноз-неъматлар,

китоб ва ёдгорликлар савдоси жойлашди. Болаларнинг автопойгаси, чопиш, пони отлари кўшилган араваларда сайр қилиш, цирк артистларининг ўйинлари ҳаммани қувонтирди, ҳаяжонга солди. Кечкурун эса бу ерда машҳур эстрада жамоаларининг дастурлари намоёниш этилди.

Ҳадра майдонида, Тошкент цирки биноси олдида А.Ҳидоятлов номидаги театр «Майсаранинг иши» (Ҳамза асари) спектаклини кўрсатди. Майдон томошаси тарзида талқин этилган ушбу томоша Наврўз байрамининг кўтаринки-романтик руҳига жуда мос тушди. Спектакль бадиҳага йўл беришидан фойдаланган ижрочилар ўз қаҳрамонлари ҳатти-ҳаракатини, вазиятларни, воқеаларни Наврўз руҳиятига мос таҳририда акс эттирдилар. Ўзбек ёш томошабинлар театри эса Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, С.Аҳмад, С.Сиёев, А.Жамол, Ҳ.Низомиддинов ва бошқаларнинг кулгили асарлари асосида тайёрлаган томошани кўрсатди. Байрамнинг қувноқ ва жозибали ўтишига цирк артистлари ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Тошкентнинг мазкур майдонларида ўтган сайиллар, томошалар аҳолига байрам кайфияти, дилхушлик, завқ бағишлади ва бу билан катта аҳамият касб этди, албатта. Аммо томошалар Наврўз байрамига бевосита алоқадор сюжетлар, воқеалар, қаҳрамонлар кам бўлди.

Умуман, 1991 йил Наврўз байрами, унинг томошалари, сайиллари мамлакатимиз бўйлаб бадиий қадриятларни тиклаш, тарихни билиш, халқлар дўстлигини улуғлаш, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш руҳида ўтди. Гул, Наврўз, Баҳорой, Дехқонбобо, Яъжуж-Маъжужу афсонавий-рамзий образлари шуҳрат топди. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоий образи кўпгина бадиий дастурлар, театрлашган томошаларнинг нуфузини белгилади. Марказий телевидение орқали кўрсатилган узлуксиз кўрсатувлар шундан гувоҳлик беради. Байрам ҳар бир вилоят, туман, ҳар қайси шаҳар,

қишлоқ, корхона, маҳалла, ўқув юртининг маданий, этник, ижодий салоҳиятини, ўзига хос хусусиятларини тараннум этди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди. Йил сўнггида Республика Президенти сайланди. Истиқлол ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олган ўзбек халқи астойдил қувонди. Оллоҳ таолонинг бу улуғ неъматига шукроналар айтиб, енг шимариб ишга киришди. Бироқ бундай жаннатмакон ўлканинг бирдан ажралиб, мустақил бўлиб олишидан собиқ СССРнинг шовинистик доиралари дарғазаб бўлиб, минтақа ва республикамиздаги баъзи калтафаҳм ички муҳолифлардан фойдаланиб, юртимиздаги осойишталик ва турли миллатлар орасидаги тотувликни бузиб исён ва низолар чиқаришга уринишди. Қирғизистоннинг Ўш вилоятида рўй берган машъум воқеалар аслида мана шундай шовинистик кучларнинг хатти-ҳаракатларидан нишона эди. Азалдан кўп халқлар аҳил-иттифок бўлиб яшаган Туркистонда осойишталик, тинчлик, барқарорлик ўрнатиш жуда муҳим масала эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, юрт фидойилари барча маънавий ва моддий имкониятларни шу мақсад йўлида мужассамлаштиришга киришдилар. Халқлар орасида дўстлик ва биродарликни тарғиб қилиб, уруш, баҳс ва ўзаро совуқчиликка барҳам бериб, ҳалол меҳнат, ҳашар, инсоф, адолатга чорлаб келган Наврўз анъаналари бу ишларда қўл келди. Ҳам шу мақсадда, ҳам истиқлол туфайли бошланган миллий қадриятларни тиклаш ҳаракатининг ёрқин ифодаси сифатида 1992 йил байрами, унинг Тошкентдаги, вилоятлар ва туманлардаги сайиллари, томошалари, маросимлари айти муддао бўлди. У умумхалқ байрами сифатида нишонланди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов «Республика фуқароларига Наврўз табриги»да халқни хавф-хатар ва ташвишларни енгиб ўтишга чақирди, халққа ишонч билдирди:

«Халқимиз бошидан кечираётган қийинчиликлар ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Лекин доно ва чидамли, насибаси бутун халқимиз билан бу оғир синовлардан ҳам ёруғ юз билан чиқишимизга ишончим комил».

Табрикда яна қуйидаги жиҳатлар таъкидланган эди:

«Бугунги кунда эл-юртимизга тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик ҳаводек, сувдек зарур.

Қуръони каримдаги инсонлар, қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар, ўзаро биродардир, деган пурҳикмат ғояни эъзозлаб, имонимизни бақувват қилайлик».

Юртбошимизнинг айнан шу халққа қарата айтган тинчлик, осойишталик, миллатлар аҳиллигини сақлашга даъвати Наврўз байрами, унинг томошалари ва сайиллари мазмунини белгилади.

Асосий театрлашган байрам томошасини Халқлар дўстлиги майдонида ўтказишга қарор қилиндики, бу ҳам ўша сиёсий мақсаддан келиб чиққан эди. Наврўз томошаси орқали турли миллат, турли табақалардан чиққан кишилар халқ бирлиги ва ҳамжиҳатлигини намоёниш қилиб, ишончсизлик ва хавотирланишга чек қўйиши ва шу билан Мустақилликка хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Шундай бўлди ҳам.

Байрамнинг бош режиссёри ва бадиий раҳбари этиб тайинланган Абдурашид Раҳимов турли миллатлар ва элатларнинг тинч-тотув, аҳил-иттифоқ яшаши мамлакат Мустақиллигининг гаровидир, деган ғояни томоша концепцияси қилиб олди. Шу мақсадда Халқлар дўстлиги майдони бор маҳобатли сатҳи бўйича томошагоҳга айлантирилди. Мана шу сахнада кўпдан-кўп жамоалар, таниқли артистлар, спорт намояндалари, ҳаваскорлар, болалар ўз санъатлари ва ҳунарларини намоён этдилар. Яъни байрам томошаси чинакам оммавийлик касб этди. Узоқда Ҳадра майдонигача бўлган халқ сайли жонли фон вазифасини бажарди. Режиссёр А.Раҳимов лойиҳаси

охиргача амалга ошди, деб айтиш қийиндир, лекин асосий сиёсий мақсад-халқлар орасидаги дўстлик ва биродарликни улуғлаш, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига яхши ниятлар билан кириб бораётгани ўз аксини топди. Томоша уч қисмдан иборат бўлиб, бир соатча давом этган. Муқаддимада томлардан карнай-сурнайлар садоси янграб, маҳобатли майдон ҳаракатга келган. Шоирларнинг Наврўз байтлари янграган. Улкан сахнада Ўзбекистон бадиий жамоалари Наврўз манзараларини, халқ қувончини тараннум этувчи сюитани ижро этишган. Баҳорой, Дехқонбобо, Насриддин Афанди каби рамзий образлар театрлашган сахналарни бир-бирига боғлаб турган. Меҳнат, тинчлик, дўстлик ва Мустақиллик ғояларига урғу берилган.

Иккинчи қисмда Тошкент шаҳри туманларининг карвони билан вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоаларнинг чиқишлари уйғунлаштирилди. Бир вақтнинг ўзида Ҳадрадаги цирккача бўлган йўллардаги сайил манзаралари, атрофдаги дорбозларнинг машқлари томошага виқор ва жозиба бахш этган. Асосий майдонда бир вилоятдан келган меҳмонлар, бир Тошкент тумани ўз меҳнати ва ижодидан ҳикоя қилган. Мавзулар хилма-хил, санъатлар хилма-хил. Репертуар халқ анъанавий маросимларидан тортиб замонавий сюитагача ўз ичига қамраган.

Ниҳоят, учинчи қисм. «Дўстлик карнавали» деб аталган. Миллий маданият марказлари тимсолида Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг дўстлиги, тинч-тотув яшаши тасвирланган. Барча сахналар, сахна олдидаги йўл, бадиий фон, атрофдаги ҳаво шарлари, байроқлар, гуллар ҳаракатга келган. Ч.Айтматовнинг «Момо ер» асаридаги қаҳрамонларнинг яхши тилаклари, орзулари янграган. Куй, қўшиқ, рақс авжига чиққан.

1992 йилги Наврўз байрамининг асосий театрлашган томошасини бенуксон деб бўлмайди. Унда бадиий тарқоқлик сезилиб турган. Маҳобатли лойиҳа билан чекланган имконият ўртасида зиддият пайдо

бўлиб, барча режалаштирилган ечимлар мукамал даражада рўёбга чиқмаган. Бу, бир томондан, майдон томошаси яратишда А.Раҳимовнинг тажрибасизлигидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, у сценарий яратишни ҳам ўз зиммасига олганлигидан ҳосил бўлган эди. Тўғри, у ижодий жамоаларнинг тайёр репертуаридан, шоирларнинг шеърларидан, спектакллар қаҳрамонларидан ўринли фойдаланди, мавзу ва ғоявий мақсадни тўғри белгилаб, уларни оммабоп қилиб очиб беришга ҳаракат қилди. Лекин Наврўз байрами тарихи ва моҳиятини чуқур билмаслиги, айниқса, драматургияда тажрибасизлиги оқибатида томошада бадиий яхлитлик, уйғунлик ўрнига тарқоқлик, пала-партишлик ҳукм сурган.

Тошкентнинг яна ўн битта майдонида сайиллар, томошалар давом этди. «Гўё Халқлар дўстлиги майдони улкан бир денгизу ўн бир майдондаги шодликлар унга қуйиладиган ирмоқлар эди. Бутун шаҳар ушбу кун тўйхона бўлди».¹²

1993 йилги Наврўз Ийди Рамазон арафаларига тўғри келди. Шу боисдан янада қадрли, янада тароватли нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ўз Наврўз табригида бу жиҳатни алоҳида қайд этди, бутун халқни ҳам Наврўз, ҳам Рамазон ҳайити билан самимий табриклади.

Табрикда ана шундай сўзлар бор эди:

«Наврўз Мустақил Ватанимиз учун айниқса азиз ва қадрли! Чунки биз уни курашиб қайта қўлга киритдик. Бир вақтлар Ўзбекистон ва ўзбеклар шаънига маломат тошини отган кимсалар Наврўзни ҳам бадном қилмоқчи бўлдилар, халқни табаррук байрамидан айирмоққа уриндилар. Яратганга шукрлар бўлсинки, уларнинг бу ғарази амалга ошмади. Истиқлол шарофати билан

¹² Ўша жойда

халқимиз кўхна байрамини расмона яйраб тантана қилишга мушарраф бўлди. Бу адолатнинг ғалабасидир».¹³

Дарҳақиқат, халқимиз кўшалок байрамни кўтаринки рух, шоду хуррамлик билан нишонлади. Айниқса, Мустақилликнинг иккинчи баҳори бўлганидан Наврўз таровати, шукуҳи, гашти ўзгача эди. Андижон вилоятида барча боғлар, ўйингоҳлар, майдонлар турли-туман кўнгилочар томошалар, кураш билан гавжум бўлди. Андижоннинг ўзида оммавий югуриш мусобақаси, болалар ижоди кўргазмаси байрамга ўзгача рух бахш этди. Бухоронинг Имом ал-Бухорий майдонида театрлашган томоша миллий ўйинлар кўрсатилди. Майдонга туташ боғда эса шаҳардаги 23 маҳалла аҳли ўз байрам дастурларини намойиш этдилар. Турли миллат куй, кўшиқлари янгради. Жиззах вилоятида танилган санъаткор борки, Наврўзбулоққа чиқиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Хоразм марказидаги бош майдонда, «Наврўз» боғида томоша ва сайиллар авжига чиқди. Намангандаги байрам тантаналари Машраб номидаги боғда бошланиб, Бобур номидаги боғда давом этди. Телемарафон орқали бутун вилоятдаги байрам олиб кўрсатилди. Фарғонанинг Мустақиллик ва Аҳмад ал-Фарғоний номидаги боғларида вилоятда яшайдиган олтмишдан ортиқ миллатнинг байрами ўтказилди. «Шарқ бозори» номли театрлашган томоша кўрсатилди. Қашқадарё маркази-Қарши шаҳридаги «Меҳнат» ўйингоҳида Наврўз байрами тантанали очилиб, театрлашган томоша намойиш қилинди. Унда буюк алломалар, Бободехқон, Баҳорой каби рамзий образлар гавдалантирилди. Мустақиллик майдонида эса халқ сайли бўлиб ўтди. Самарқанд, Сирдарё, Навоий вилоятларида ҳам умумхалқ оммавий байрами сифатида кенг нишонлади.

Тошкентдаги асосий театрлашган томошани Халқлар дўстлиги майдонида ўтказиш ва уни саҳналаштириш вазифаси режиссёр Рустам

¹³ «Халқ сўзи», 1993 йил 20 март

Ҳамидовга топширилди. Саҳналаштирувчи режиссёр ўз ёрдамчилари билан бирга 1989-1992 йилларда ўтказилган Наврўз томошалари тажрибасига суяниб, ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олиб, чинакам халқчил, тантановор, бадий жиҳатдан пишиқ майдон томошаси яратишга бел боғлаб, ижодий натижаларга эришди. Бу учун асосий ўйин саҳнасини бош минбарга яқинроқ келтириб, бадий номерлар жозибасини, ижрочилар қалби ва жисмидаги руҳий-жисмоний тўлғанишларни томошабинга тўғридан-тўғри етказиш чорасини кўрди, майдоннинг спорт қўмитаси ва Тошкент бош қурилиши биноларигача бўлган улкан саҳнада рассом Т.Шораҳимов билан ҳамкорликда ўнта махсус баланд-паст саҳналар барпо этди ва уларни умумий композиция билан боғлади. Унинг фикрича, яккахон сифатида жаранглаган фикр-ғоя турлича ранг, ҳаракат ва ўйин воситалари билан бутун майдон узра таралиши ва полифоник хусусият касб этиши лозим эди. Мазкур режа амалга ошди, деса бўлади.

Улкан майдон узра карнай-сурнай садолари янгради. Осмонга Ўзбекистон байроғини ҳилпиратиб шар учди. «Марҳабо, Наврўз» номли катта театрлашган байрам томошаси бошланди. Майдон бамисоли барқ уриб очилган гулзорни эслатди. Бир вақтнинг ўзида асосий ва бошқа саҳналарда томошалар намоён бўлди. Олдиндаги бош саҳнада ҳарир пуштиранг кўйлак кийиб, чаккаларига бодом гуллари тақиб олган «Баҳор» ансамблининг қизлари «Баҳор» вальсини ижро этишади. Булбуллар уларга жўр бўлишади. Карнай-сурнайлар садоси остида момолар, аммаки-холалар, келин-куёвлар пайдо бўлиб, сумалак улашиб, ўйин-кулги қилишади, исирик тутатиб, юртимизни, халқимизни ёмон кўздан Оллоҳ ўзи асрасин, деб дуо қилишади.

Шундан кейин кетма-кет 12 та фольклор-этнографик ва мусиқий-хореографик сюита ва композициялар намоёиш қилинади. Ҳар бирида ўзида хослик, бетакрор тароват, суръат муҳайё. Вилоятлардан ташриф

буюрган ижодий жамоалар, «Баҳор», «Шодлик», «Зарафшон», «Лазги», «Айқулаш» ансамбллари маҳоратидан томошабинлар завқ олишади. Раққос ва раққосалар, масхарабозлар, аскиячиларнинг чиқишлари, канчадан-канча тикланган халқ кўшиқлари, рақслари, лапарлари, маросимлари истиқлол туфайли маданий қадриятимиз қадр топа бошлаганидан дарак берди. Жумладан, эрта баҳорда эзгу ният билан сув сепиш каби тикланган маросим кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Театрлашган байрам томошасида болалар мавзуси, болалар ижоди катта ўрин эгаллади. Ёш авлод-келажагимиз, ҳаётимиз гуллари, деган шиор ўз ифодасини топди. Бошдан-оёқ томоша дастурида болалар иштироки шундан далолатдир. Уларнинг ёғоч отларда жавлон уриб:

Ҳо, яхши, яхши, яхши,

Наврўзи олам яхши!

Ҳо, яхши, яхши, яхши,

Ўзбекистоним яхши!-

деб завқланиб куйлаши, доирачи болалар ансамблининг зарблари, «Чаман», «Қуёш» номли болалар гуруҳларининг дастурлари томошага ўзгача тароват бахш этди. Мана, қизалоқ ижрочи юртбошимизга гулдаста тақдим этди, Президент уни меҳри товланиб кўтариб олди. Бутун майдон яйраб кетди.

Мушаклар отилади. Осмонда Деҳқонбобо билан Баҳорой қиёфалари пайдо бўлади. Байроқлар ҳилпирайди. Болалар варрак учиради. Томоша тугайди. Лекин халқ сайли давом этади.¹⁴

¹⁴ «Народное слово», 1993 йил 23 март

II БОБ

Фольклор этнографик жамоалари репертуарларида анъана ва замонавийлик. (1994-1999 йиллар)

Мустақиллик 2-3 йил ичида кишилар онги ва шуурига обиҳаёт каби кучли таъсир кўрсатди. Коммунистик мафкура остида манкуртга айлана бошлаган зотлар яна ўз ҳолига қайта бошлади. Халқ топталган ғурури, маънавияти, тарихини тиклашга киришди. Миллий мерос, миллий анъана, миллий ифтихор каби атамалар бемалол ишлатиладиган бўлди. Аммо миллий маҳдудлик, миллатчиликка берилмадик. Зеро, мақсадимиз қонунлар олдида ҳамма тенг бўлган демократик жамият қуриш, мамлакатда яшовчи барча миллатлар бирлигини сақлаш, жаҳон маданиятининг энг илғор тажрибаларини ўзлаштириш ва ўз ютуқларимизни жаҳонга чиқариш эди. Наврўз байрами томошалари ва сайилларида ана шу ғоялар ўз аксини топа бошлади.

Халқлар дўстлиги саройи ортидаги қадимги Бешёғоч даҳасидаги боғ қисқа муддатда таъмирланди. Сарой томонида Алишер Навоий ёдгорлиги қад кўтарди. Саройнинг ўнг ёнида муҳташам «Наврўз» саройи қуриб битказилди. Сўл ёнида XVI аср ёдгорлиги бўлмиш Абулқосим мадрасаси тўлиқ таъмирланди. Майдон ўртасида чиройли фавворалар мажмуи кўркига кўрк қўшди. Хуллас, боғ, ёдгорлик атрофдаги барча майдонлар, қурилишлар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи деб атала бошлади. Халқимизнинг энг мўътабар, энг кадрли қадамжойига айланди. Хорижий давлат арбоблари, меҳмонлар, сайёҳлар гулчамбар қўядиган, оила қураётган ёшлар аҳду паймон қиладиган муқаддас остона бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг энг машҳур умумхалқ байрами Наврўзнинг катта театрлашган томошасини энди фақат шу ерда ўтказишга қарор

қилиндики, бу маънавий қадриятларимизни идрок этишдаги изланишларимиз рамзидай жаранглади.

1994 йил Наврўзни Ўзбекистон миллий боғида ўтказиш ҳаракати бутун мамлакатимизда кечаётган миллий қадриятларни тиклаш, уларга замонавий руҳ бағишлаш ва шу йўл билан Мустақиллик мафкурасини юзага келтиришдек мураккаб ва хайрли ишга ҳисса қўшиш ниятлари асосида амалга оширилди. Байрамдан бир ой олдин эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»ги махсус қарори (22 феврал) бошлама-мақсад қисмида Наврўзнинг «халқимиз миллий ғурурини шакллантириш, она тупроқни севиш, англаш, маънавиятни юксалтиришда, инсонларни ҳаётни қадрлашга, юртимизда яшовчи барча миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик, осойишталикни янада мустаҳкамлашдаги улуғвор аҳамиятини эътиборга олиб» дейилиши ҳам бежиз эмас. Қарорда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби тасдиқланди, вазирликлар, давлат қўмиталари ва компаниялари, ҳокимликлар ва жамғармаларнинг вазифалари белгиланди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига меҳр-мурувват, ҳайру эҳсон тadbирларини ўтказиш мақсадида давлат захирасидан 1 миллиард сўм ажратиш мўлжалланди.

Наврўз байрамининг эътибори янада ортди. Асосий байрам томошасини ўтказишга бўлган талаблар кучайиб, ташкилотчилар ва сахналаштирувчилар олдига янги мураккаб ижодий вазифаларни кўндаланг қўйди. Байрамга бадиий раҳбар ва бош режиссёр қилиб яна Рустам Ҳамидов тайинланди.

1994 йилги Наврўзнинг бош театрлашган томошаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи мажмуида улкан халқ шодиёнаси шаклида сахналаштирилди. Ёдгорлик зиналари, асосий сахна, ён сахналар, йўлақлар, фаввораларнинг атрофлари, фазо-ҳамма-

ҳаммаси томоша майдониға айлантирилди. Иштирокчиларнинг ўзи, жонланувчи фонни ҳам бирга қўшиб ҳисоблаганда, 4,5-5 минг кишини ташкил этган. Томошабинлар ҳам шунга яқин бўлган. Уларга умумий овқатланиш шоҳобчалари, хавфсизлик хизмати ходимларини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам янада ортади. Шунча одамни жойлаштириш, томошани бошқариш ва унинг яхлитлиги, бадиий-эстетик савиясини таъминлаш осон бўлмаган. Аммо Р.Ҳамидов ўз ҳамкорлари ва ёрдамчилари билан бирга бу вазифанинг уddасидан чиқди. Томоша яхши ва завқли ўтди.

Томоша драматургиясини ҳам Р.Ҳамидов ўз зиммасига олди. Уни беш катта қисмдан иборат қилиб тузди. Байроқлар ҳилпирайди. Шарлар ҳавода сузади. Майдоннинг турли бурчакларида варрақлар ва лайлақлар учиради. Баҳорни шу тарзда қаршилаган шўх-шодон болаларнинг қўшиқ ва рақслари майдонни қоплайди. Ҳатто бадиий фонда ҳам болаларча шўхлик, қувноқликнинг ранглар жилваланади. Уларга «Гавҳар» фольклор ансамблининг баҳорни қаршилаш билан боғлиқ маросим-ўйинлари уланиб кетади. Улар билан бирга Деҳқонбобо (бу ролда Муқимий театр актёри Ф.Аҳмедов гавдаланган) чиқиб, ер, деҳқончилик, сув, баҳор ҳақида доно фикрлар айтиб ҳаммани ўзига қаратади. «Деҳқон байрами» сюитаси ижро этилади.

Ўтган йиллар вилоятлардан ўз маҳорати билан ажралиб турувчи бирон бир халқ ансамбли тўлдирилган ва кучайтирилган ҳолда юборилади. Бу йил эса ҳар бир вилоятга 50-80 кишилик махсус йиғма ижодий жамоа тузиб, ўша ҳудудга хос дастур тайёрлаб келиш топширилади. Шу боисдан деярли барча вилоятлар бу ишга масъулият билан ёндашиб, сумалак байрамидан тортиб, «Суст хотин» номли ёмғир чақириш, «Чой момо» номли шамолни тўхтатишгача бўлган хилма-хил маросимларни, қўшиқларни, ўйинларни тиклаб, бадиий шаклга солиб, миллий боғ майдонида намоиш этдилар. Томошабин

кўз ўнгида бутун Ўзбекистонга хос халқ томошалари, рақслари, маросимлари жонлангандай бўлди. Ижролардаги самимийлик, жўшқинлик, ғайрат-шижоат ва ҳазил-мutoйиба томошанинг ушбу энг катта қисми ўзига хослигини таъминлади.

Ниҳоят, томоша «Наврўз алёри» мусикий хореографик сюитани ижро этиш билан якун топди. Фазога шарлар учирилди. Мушаклар отилди. Бадиий фон ранг-баранг чакириқларни ифода этди. Бутун майдон ҳаракатга келди. Мусика, ранглар жилоси, кудратли алёр садоси, рақслар шиддати қалбларда ифтихор туйғулари уйғотди.

1994 йилги Наврўзнинг асосий театрлашган томошаси ўзининг кўп жиҳатлари билан бир йил бурунгисидан мукаммалроқ чиқди. Республика раҳбариятига, томошабинларга манзур бўлди. Лекин шу билан бирга баъзи фикр-мулоҳазаларни ҳам уйғотди. Авваламбор Наврўз тарихи, маросимлари юзакироқ берилаётгани, бундан кейин тарихга чуқурроқ кириш зарурлиги аён бўлди. Иккинчидан, Тошкент маҳаллаларининг бир хил, рангсиз чиқиши томоша бадииятига путур етказди. Томоша майдони ва минбарларнинг ноқулай жойлаштирилиши ҳам умумий таассуротни бузди. Нега деганда, томошанинг умумий кўриниши Навоий ҳайкали томонига мўлжалланган эди, томошабинларнинг кўпчилиги эса икки ёнда жойлашган бўлиб, томошани ён тарафдан кузатар, баъзи ташкилий ва техник «сирлар» очилиб қолганди. Томошабинларни бундай жойлаштириш натижасида, майдон қанча катта бўлмасин, иштирокчилар учун торлик қилиб қолган.

Фикр-мулоҳазаларга тортган энг катта нуқсон-бу 1991 йилги Наврўз томошасидан кейин ёзма сценарий яратилмай, томошалар режиссёрларнинг сценарий режалари асосида ўтаётганида эди. Томошаларнинг Наврўз оламига теранроқ кириб бориш ўрнига концертга айланиб қолаётганида эди. 1992-1993 йиллардаги томошаларда булар унча сезилмаган эди. 1994 йил томошасида эса, у

катта доирада ўтгани учунми, бу камчилик яққол кўзга ташланди. Шу боисдан 1995 йил Наврўз байрам томошасини тайёрлашга киришган ташкилий қўмита байрам таркиби ва услубида кескин янгиликка эришиш мақсадида бу ишга режиссёр Баходир Йўлдошевни таклиф этади. Таклифда асос бор эди. Чунки Б.Йўлдошев «Майсарининг иши» комедиясини майдонга мослаб ишлаган, 1994 йил октябрида эса Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб Регистон майдонида катта томоша сахналаштирган бўлиб, театрлашган майдон томошаси режиссёри сифатида ҳам ўзини кўрсатган эди.

Ташкилий қўмита томошанинг бадиий раҳбари ва бош режиссёри мақомини олган Б.Йўлдошев олдида асосий шарт сифатида адабий сценарий яратиш ва бу учун истеъдодли ёзувчини жалб этиш масаласини қўяди. Б.Йўлдошевнинг нияти ҳам шу эди. У Мирзо Улуғбекка бағишланган томошани биргаликда яратган синашта ҳассос шоир Хуршид Давронни жалб этади. Хуршид Даврон тарих билан махсус шуғуллангани сабабли Наврўзга оид манбаларни яхши биларди, сценарий ёзишда уларга таянади.

Асар муқаддима ва тўрт қисмдан иборат бўлиб, унга Абу Райҳон Берунийнинг «Осор-ул-боқия» асарида ёзиб қолдирилган Наврўз Аллоҳ томонидан коинот, қуёш яратилган вақт, фаришталар, пайғамбарлар улуғланган кун, деган фикр сингдирилган.

Муқаддима сценарий муаллифи томонидан қуйидагича ўйланган: Миллий боғ мажмуининг Алишер Навоий ёдгорлиги қаршисидаги майдон марказида ва ён томонларда сахналар жойлашган. Икки бурчакда дор тикилган. Ўртада абадиёт рамзи-чархпалак ростланган. У томоша давомида гоҳ Қуёш, гоҳ Ер, гоҳ Сув рамзи-яъни ҳаёт рамзларига айланиб ҳаракатга келади.

Овоз янграйди:

Бу олам йўқ эди,

Зулмат бор эди-
Зулумот, зулумот, фақат зулумот.
На чексиз эди у ва на тор эди,
Тириклик йўқ эди, йўқ эди момот.
На товуш бузарди қора сукутни,
Бир зарра этмасди ўзини зухур.
Аллоҳнинг меҳридан илк бор туғилди,
Оламни ярата бошлаган шуур.
Бу шуур зулматнинг чокини йиртди,
Уйқудан уйғонди қорайган сахро.
Бу шуур кун билан тунни яратди,
Айрилди илк марта оқ билан қаро.

Майдон ҳаракатга келиб, табиат жонланишини ифода этади.

Шундан кейин «Коинот-оламнинг яратилиши» номли биринчи қисм бошланади. «Оламнинг яратилиши» куйи янграйди. Саҳнада қотиб турган етти раққоса аввал тартибсиз, кейин эса мукаммал тартибда чарх уриб айланади.

Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонидаги оламнинг яратилишига бағишланган сатрлари ўқилади.

Муסיқа садолари остида етти жойда ҳар бири етти раққосадан ибора етти гуруҳ айланиб ўйнайди. Яъни муаллиф биринчи қисмдаги барча ўйинларни мана шу 7 рақами асосида қуришни таклиф қилади. Бундан ташқари, қисм томошаси давомида қадимий либослар кийган хор гуруҳининг тантановор юриш билан ўз ўрнини эгаллаши назарда тутилган.

Сухандон назми билан қисм якунланади:
Коинот, эй чексиз фалак, эй осмон,
Яралгандан сенга талпинди инсон.
Сени билмоқ бўлди, англамоқ бўлди,
Қалбини сен билан тенгламоқ бўлди.

Беруний бободан Улуғбеккача,
Батлимус бободан Ҳиппархгача то
Сирингни кашф этай дея уринди,
Йўлин тўсолмади на тиг, на хато...

Иккинчи қисм «Сув» деб аталади. Либоси шаршарани эслатувчи қиз-Сув рамзи кириб келади. Яшил ранг кўйлак кийиб, бошларига гулчамбарлар тақиб олган қизлар. Сув маликаси атрофида чарх урадилар. Навоийнинг шу мавзудаги байтлари ўқилади. Бу ерда муаллиф фольклор-этнографик ансамбль томонидан «Суст хотин» номли томошанинг, ёғоч от минган болаларнинг сув сочиб, бир-бирларига яхши ният, ёруғлик тилаб айтадиган қўшиқларининг ижро этилиши мумкинлигини қайд этади. Бу қисм ҳам, Хуршид Даврон фикрича, хорнинг тантанавор қўшиғи билан якун топмоғи керак.

«Қуёш» номли учинчи қисм муаллифининг шеъри билан бошланади:

Ундан сўнг яралди оламда қуёш,
Унинг нури бўлди барча ишга бош.
Меҳрадан яралди.
Яралди ишқдан,
Олам саҳни тўлди нурли қўшиқдан.

Майдонга Қуёш рамзи бўлган Қиз етти сайёра-қизлар қуршовида кириб келиб, чарх уриб айланиб ўйнайди. Алишер Навоий достонидан мисралар жаранглайди. Муаллиф томошанинг ушбу қисмида аждодларимиз маросимларидан лавҳалар кўрсатилиши, Қуёшни мадҳ этувчи қўшиқ ва рақслар ижро этилиши мумкинлигини таъкидлайди. Майдон ичида ва атрофида қатнашувчиларнинг қўлларида машъаллар порлаши айтилади. Хуршид Давроннинг ўзи ҳам Қуёшга атаб бир латиф шеър битган:

Эй, сен момом Қуёш, эй биби Офтоб,
Ёлғир, сен чарағсан, ёрсан бошимда.

Зардуштий мисоли юкиниб шу тоб,
Ўтиниб турурман йигит ёшимда.
Офтобим, ҳимматинг тутмагил дариг,
Дунёда ҳеч битта инсон зотидан,
Зулмат гўшаларни тундан эт фориғ,
Бахт томсин шуълангнинг зар қанотидан...

Бахт қисм ҳам, муаллиф таклифича, хорнинг қуёшни улуғлаши
билан якун топади.

Ниҳоят, «Ер» деб аталган тўртинчи қисм Алишер Навоийнинг шу
мавзуидаги сатрлари билан бошланиб, дастлаб Одам Ато билан Момо
Ҳавонинг бунёд бўлиши кўрсатилади, сўнг майдонда табиатнинг
ранглари акс этиб турган қиз-Ер сайёрасининг рамзи пайдо бўлиб,
чарх уриб ўйнайди. Сухандон Она сайёрамизни мадҳ этади:

Сахий бобо қуёш теварагида,
Чарх уриб айланиб, оворасан Ер.
Гарчи сайёралар кўпдир фалакда,
Барчасидан азиз сайёрасан Ер.
Меҳрингни қалбимда асраб яшайман.
Жонимда жондайсан, руҳимда руҳсан.
Сен менинг қўшиғим, менинг эртагим,
Сенсан ифтихорим, ишқсан, шукуҳсан...

Ер мадҳини муаллиф-шоир ажиб бир маҳорат билан она юрти-
Ўзбекистонга олиб келиб боғлайди:

О, дилбар Ватаним, озод, ҳур юртим,
Ўрнинг бор замоннинг харитасида.
Бугун меҳр ила, ифтихор ила
Буюк истиқлолга битгам қасида.
Сен борсан, заминнинг бағри ҳам бутун,
Сен борсан, бутундир менинг бағрим ҳам...

Шундан кейин сценарийда майдонга Баҳор маликасининг кириб келиши ўйланган. Томоша иштирокчилари (яъни халқ) бир-бирларига гуллар тақдим қилиб, байрам билан қутлашади. Бир гуруҳ аёллар етти хил донли экин майсаси кўкариб чиққан патнисларни кўтариб келишади. Даврага келинчакларни олиб кириб, майдонга ёқилган гулханлар атрофидан айлантиришади. қизлар арғимчоқларда учдилар. Дор ўйини. Ёғоч от ва ёғоч оёқ минган болалар майдоннинг тўрт томонида ўйнашади. Чархпалак етти хил рангда товланиб айланади. Деҳқонлар қўш хайдаб (тери ёпинган масхарабозлар хўкизлар қиёфасида гавдаланадилар), қўшиқ айтишади. Сухандон Рабғузийнинг Наврўз ҳақидаги маснавийсини ўқийди. Майдонга набирасини етаклаб Деҳқонбобо кириб келади. У меҳмонларга дон улашади, ерга сочади. Сухандон «Ерга уруғ сочайлик, бўтам» деган шеър билан томошани якунлайди.

Шундай қилиб, Хуршид Даврон Наврўзнинг келиб чиқишини бутун оламнинг яратилиши, инсоннинг пайдо бўлиши билан боғлаган ҳолда ўз сценарийсини Коинот, Сув, Қуёш, Ер қисмларидан иборат қилиб тузади. Наврўзни табиат байрами, эзгулик байрами сифатида кўрсатади. Сценарийнинг яхлитлиги, шунингдек, ҳар бир қисм ўз ички қурилишига эга бўлиб, муаллифнинг майдон томошаси драматургияси хусусиятларини ҳисобга олганидан гувоҳлик беради. Рамзий тимсолларни гавдалантиришда аجدодларимиз эътиқод қилган 7 рақамдан фойдаланилган. Мавзу мантиқли қурилиб, ўзига хос сюжет ҳосил қилинган. Сув, Қуёш, Ер, Етти сайёра, Баҳор маликаси, Деҳқонбобо рамзий образлари муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсади, сюжет қурилмасига ҳамоҳанг, мос, қисмларни бир-бирига боғлашда муаллиф шоир овози (сухандон шеърхонлиги)дан фойдаланилади. Томошада хилма-хил воситалар (куй, қўшиқ, хор, маросим, намойиш, рақс, рамзий образлар хатти-ҳаракати, образли

қурилмалар, маҳобатли тасвирлар)дан кенг фойдаланиш назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда сценарий баъзи фикр-мулоҳазаларга тортади. Аввало бевосита Наврўзнинг ўзига кам ўрин ажратилгани кўзга ташланади. У қисман «Сув» бўлимида, тўлақонли «Ер» номли тўртинчи қисмда кўрсатилади. Албатта, олдинги қисмларнинг ҳам Наврўзга алоқаси бор. Буни муаллифнинг «Сув-хаёт рамзидир», «Ўзбекистон-қуёш ўлкаси» деган умумлашмаларидан ҳам билса бўлади. Лекин бу барибир назарий-фалсафий алоқадир. Иккинчидан, «Қуёш» қисмининг «Сув» қисмидан кейин берилиши мантиқли эмас. Қуёш бўлмаса, сув бўлмас эди. Кейин Қуёш қиз қиёфасида тасаввур қилинадик, бу халқимиз тасаввурига сира тўғри келмайди. Аждодларимиз қуёшни ҳамиша паҳлавон йигитга, ойни соҳибжамол қизга менгазаб келишган. Зардуштийлар жангчи Митрани (кейин у Сиёвушга айланиб кетган) Қуёш маъбуди деб билганлар. Учинчидан, асарда конфликт яхши шаклланмаган Муқаддимада белгиланган зулмат ва нур кураши асосий қисмларда етарли даражада ишланмайди. Асосий қисмлар сахна асаридан кўра кўпроқ ҳикояга ўхшаб кетади. Тўртинчидан, Алишер Навоий достонидан олинган пурмаъно сатрлар ўринли ишлатилган-у, бироқ томошабин уларнинг маъноларини чақиб олиши мушкуллигини ҳисобга олиш ва ҳозирги тилда соддалаштириб ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Аммо Хуршид Давроннинг «Наврўзи олам» сценарийси, баъзи камчиликларига қарамасдан, ўзининг тарихий-фалсафий кўлами, поэтик мазмуни, рамзий тимсолларининг пухта ўйлангани, майдон томошаси талабларига мос тушганлиги билан ўтган йиллардаги сценарийлардан фарқ қилиб, Наврўз драматургияси шакллана бошланганидан дарак берди. Бундан ташқари, сахналаштириш жараёнида сценарийнинг ожиз томонлари бартараф этилган. Асосий театрлашган томошанинг бадий раҳбари ва бош режиссёри

Б.Йўлдошев, бош рассоси Г.Брим, режиссёрлар Н.Абдурахмонов, Эдвард Колосовский, Марат Ҳасанов, балетмейстрлар Юлдуз Исматова, Дилафрўз Жабборова, Гулнора Қўчқорова, Шокир Аҳмедов, Қодир Мўминов, Исроил Ҳасанов, Рустам Султонов, бастакорлар Фарход Олимов, Ҳабибулла Раҳимов, Нодим Норхўжаев ва бошқалар чинакам оммавий, қизиқарли майдон спектакли яратилишига ҳаракат қилганлар.

«Майдонни латиф мусиқа садолари эгаллаб олди,-деб ёзади Темур Убайдулло.-«Баҳор вальси»нинг дилдор оҳанглари таралди. Унга жўр бўлиб ўнлаб карнай-сурнайларнинг, чилдирма-ю ноғораларнинг гулдуриси янграйди. Улкан сахнадан то бобомиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойигача чўзилган худудда ажиб гўзалликлар барпо бўлади. Сахнадаги санъаткорлар «Оламнинг яратилиши» ҳақидаги ҳикояни мусиқа ва рақслар орқали ифода этдилар. Кишилар олам ниҳоятда қадим, ниҳоятда кўҳна эканлиги, унинг яралиши қанчадан-қанча заколар, даҳолар меҳнати, истеъдоди, тангри таолонинг буюк марҳамати эканлигини юрак-юракдан ҳис этдилар».¹⁵

Томошанинг муқаддимаси ва биринчи қисми баёнидан англашилиб турибдики, бунда мусиқа ва рақс воситалари етакчилик қилган.

«Сув қасидаси» номли иккинчи қисмда мусиқа, рақс қаторига муҳим восита сифатида қўшиқ қўшилганини кўрамиз. «Саҳна узра худди ёмғир томчиларидек сочилиб кетган турфа либосдаги жажжи болалар, сув маъбудасининг кириб келиши, халқимизнинг оби-ҳаётга бағишланган қадим қўшиқларининг ижро этилиши ниҳоятда таъсирли кечди. Зеро, сувни ҳеч қайси халқ ўзбек халқичалик қадрламаса керак.

¹⁵ «Тошкент оқшоми», 1995 йил 22 март

Улкан сахна мавжли уммонга айланганида барчанинг юрагида мовий тўлқинлар пайдо бўлгани шубҳасиз»¹⁶.

Учинчи қисмнинг қаҳрамони сахналаштирувчилар томонидан мўйсафид қиёфасида гавдалантирилиб, сценарий муаллифининг янглиш тасаввури тузатилган. Журналист Темур Убайдулло уни Бобоқуёш деб атайди. Бу қисмда ҳам болалар қуёш зарралари бўлиб куйлаб, майдон узра чарх урадилар.

Сўнгги «Ер-Наврўзи олам» қисмига алоҳида эътибор берилган. «Майдон гунафшалар, бойчечаклар, лолаларга тўлиб кетди. Наврўз билан Бободехқон ташрифи дилларни бахтиёр қилди.. Алвон-алвон кийинган йигит-қизларнинг қўлларида гул, юзларида гул. Улар ижро этган қўшиқларда, рақсларда халқимизнинг тарихию келажаги омихта эди. Бободехқон билан Момо Ер ёш гўдак оёғи остига дон тўкиб: «Ерга буғдой соч, болам» дейишида бир олам мазмун ўз аксини топган эди»¹⁷. Бундан кўриниб турибдики, сахналаштирувчилар Ерни ҳам ёш қиз қиёфасида эмас, Момо қиёфасида гавдалантириб тўғри йўл тутишган.

«Баҳор вальси» билан бошланган томоша шу латиф садолар остида ниҳоясига етади.

Умуман, «Наврўзи олам» сценарийси Миллий боғ майдони сахнида куй, қўшиқ ва рақс, рамзий образлар етакчилик қилган поэтик томоша сифатида талқин қилинган. Унинг ўзига хослиги ҳам ана шунда. Журналист Темур Убайдулло муаллиф ва сахналаштирувчиларни тузатиб, томошани ва унинг қисмларини қасида деб атайдики, бунда у тамомила ҳақлидир.

Тошкентнинг Халқлар дўстлиги ва Мустақиллик майдонларида, Сайилгоҳ кўчаси ва Амир Темур хиёбонида, Навоий театри, Ҳадра майдонларида ҳам сайиллар, томошалар, концертлар бўлиб ўтди. Жамоалар, ижрочилар эркин чиқишган. Дастурларни олиб

¹⁶ «Тошкент оқшоми», 1995 йил 22 март

борувчиларнинг маҳоратини ҳисобга олмаганда, уларни ўтказиш учун махсус драматургия тайёрланмаган.

Аммо кўпгина вилоят марказларида Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилганидай махсус сценарийлар ёзилиб, шу асосда театрлашган томошалар яратилган. Чунончи, Фарғона вилояти маркази – Мустақиллик ҳиёбонида «Уйғотиш» номли композиция кўрсатилган. Фольклор-этнографик жамоалар ҳамда болаларнинг ҳаваскор дасталари ўз санъатларини намоиш этишган. Бундан ташқари, алоҳида театрлашган «Шарқ бозори» дастури бўлиб, унда вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган истеъдодли кишилар қатнашган¹⁸. Сурхандарё вилоятида эса 1995 йил Наврўз байрами ҳар бир туманнинг ўзида нишонланди. Вилоят маркази Термизнинг Ҳаким Термизий номли бош майдонида ҳам байрам томошаси ўтказилди, албатта. Аммо, унда яқин атрофдаги халқ бахшилари, сибиқ ва чангқовуз чалувчилар, театр артистлари қатнашдилар, холос¹⁹.

1995 йил 21 март соат 6.00 дан 22 март соат 2.00гача давом этган ҳамда миллий уйғониш, тинчлик ва барқарорлик, қадриятларга эҳтиром мазмуни билан йўғрилган узлуксиз телекўрсатувлар Наврўз арафасида ва байрам кунлари мамлакатимиз пойтахти, вилоятлари, туманлари, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида бўлиб ўтган хайр-эҳсон тадбирлари, сайиллар, томошалар, мусобақалар юртдошларимизнинг шоду-хуррам чехраларини, аҳиллигини, келажакка юксак ишонч билан боқишини тараннум этди. Ўша кун «Наврўз чечаклари», «Халқ ижодиёти», «Бойсун» ансамбли, «Алпомиш авлодлари», «Наврўз хангомалари» кўрсатувлари, «Ассалом Ўзбекистон» журналининг махсус сони телетомошабинларда яхши таассурот қолдирди.

¹⁷ Ўша жойда.

¹⁸ «Халқ сўзи», 1995 йил 17 март.

¹⁹ «Оила ва жамият», 1995 йил 23 март.

Алқисса, театрлашган томошалар, сайиллар, узлуксиз телекўрсатувлар, матбуот материаллари туфайли Наврўз байрамини тайёрловчи ва ўтказувчи юзлаб томошасозларнинг тажрибаси ортиб борди, халқнинг ҳам Наврўз тарихи, моҳияти тўғрисидаги тасавури кенгайиб, тушунчаси чуқурлашиб борди. 1996 йилда ўтказилган Наврўз байрами тадбирларида, Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган асосий театрлашган томошада бу нарсга ўз аксини топди. Бу гал томоша яратиш вазифасини яна режиссёр Рустам Ҳамидов ўз қўлига олиб, сценарий ёзишга атоқли журналист ва ёзувчи Йўлдош Муқимов (Оташ)ни жалб этди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, Йўлдош Муқимов журналист, фольклорнос сифатида ўзи тўплаган материаллар асосида каттагина томоша сценарийсини яратган. Рустам Ҳамидов режиссёр сифатида унга маслаҳат бериб турган, албатта. Сценарий «Наврўз нақллари» деб аталган бўлиб, компьютер теримида 51 саҳифани ташкил этади. Наврўзнинг тўрт минг йиллик тарихидан ҳикоя қилиш сценарийнинг мундарижаси ва ижодий мақсадини белгилайди.

Ҳикоя Наврўзнинг осмон ва еру заминнинг илтижо садолари остида пайдо бўлиши билан бошланади:

Ассалом, Наврўз!

Ассалом, Наврўз!

Чиройингни қилгайсан кўз-кўз!

Воқеалар давомида рамзий образлар яратилиб, ҳикоя уларнинг иштирокида давом этади. Аввало Ерўғлон оқин билан Наврўз ойим диалоги берилади:

ЕРЎҒЛОН ОҚИН-Юзингда бунчалар доғлар,

Қўлларингда қадоқлар?

НАВРЎЗ ОЙИМ- Юзда доғлар-тирноғлар,

Ханжар ила пичоғлар.

Доғлар шуларнинг изи,

Тирноғларнинг илдижи...
Неча марта кўр бўлдим,
Пешонаси шўр бўлдим.
Неча яшнадим, сўлдим,
Неча тирилдим, ўлдим...
Яна қайтиб зўр бўлдим,
Ёронларга жўр бўлдим...
Ўт эрдим ўчирдилар,
Элимдан кўчирдилар.
Кул эдим, қайта ёндим,
Авжиб, аланга олдим.
Қудратли олов бўлдим,
Муқаддас ялов бўлдим.

Шундан сўнг юртимизда Наврўз тикланаётгани ҳақида қўшиқ янграйди.

«Ризо-жавоҳир, низо-хавотир» деб номланган бўлим Сиёвушга бағишланган. Сиёвуш ҳам Эрон, ҳам Турон фарзанди сифатида талқин қилинади. У икки мамлакат ўртасидаги низоларни бартараф қилиб, тинчлик ва осойишталик ўрнатиш учун курашган, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган. Аммо тухматга учраб, қатл этилган. Турон халқи унинг номига қўшиқлар тўқиган. Сиёвуш орқали Эрон ва Турон халқларининг томири бир деган ғоя ўз ифодасини топади.

Навбатдаги бўлим «Зардушт-халойиққа дўст» деб аталади. Унда оташпарстлар пайғамбари Зардушт образи гавдалантирилади. У майдонга тилларанг туя минган ҳолда салобат билан кириб келади. Хурмузд садолари, Зардушт нидолари Амударё қирғоқларида, Орол бўйида жойлашган манзиллар, Хоразм, Суғд, Марв мамлакатларида истиқомат қилувчи халқлар, элатлар бахтлидирлар, чунки жаннатмакон ўлкалар уларники, фақат ўнг қўл ва сўл қўл билан меҳнат қилиш керак, деган мазмун сингдирилган.

Оташ ўйини ва оташ қўшиғи билан бўлим давом эттирилади. Наврўз арафасида ва унинг биринчи кунида оташга сиғинишнинг ўзига хос кўринишлари бўлган жуда кўп маросимлар, томошалар уюштирилган. Олов атрофида қўшиқ айтиб, айланиб ўйнаганлар. Муаллиф тангрининг рамзи бўлмиш олов ва унинг атрофида ўтадиган ўйинлар таърифига алоҳида эътибор беради. Аввалида шум кампир-Аямажузни ҳайдайдилар. Арслон ва бука териларини ёпинган йигитлар қўшиқ айтиб, олов атрофида ўйнайдилар. Шу тариқа куч ва меҳнат тимсоллари гавдалантирилади:

Арслон-бақарлар агар,
Қўл ушласак баробар,
Бўлурмиз биз муқаррар
Ер юзида мўътабар.

«Юрак-бағрини қон қилиб, йўлдан чиққан одамларга ҳақиқат ва тариқат илмидан сабоқ берган, дилларга ишонч ва эътиқод уруғини сепган» Зардуштнинг одамларга васияти келтирилади.

Шундан кейин бирин-кетин «Сумалак», «Бободехқон-барака рамзи», «Қўш оши» сахналари, уларга боғлиқ йигит билан қиз лапарлари, «Бугинани-я, шугинани-я», «Оқ теракми, кўк терак» ўйинлари берилади.

«Самарқандда Наврўз сайли (Амир Темур соҳибқирон сахнаси)» деб аталган навбатдаги бўлимда зафарли бир ҳарбий юришдан сўнг Регистон майдонида уюштирилган Наврўз байрами акс эттирилади. Турон ва унга тараққиёт олиб келган соҳибқирон мадҳ этилади. Амир Темур нутқи берилади. Сўнгра унинг амру фармони билан Наврўз маросимлари, томошалари бошланади. Хайру эҳсон улашилади, маҳбуслар бўшатилади. Майдонга чавандозлар от солиб келадилар. Сусамбиллик ва чамбиллик мерганлар камонбозлик қилишади. Бухоро миллий кийимида сусамбил гуруҳи, Хоразм либосида чамбил

гуруҳи бир-бирини байрам билан қутлаб, сўнг икки саф бўлиб айтишувни бошлашади.

Навбатдаги Аямажуз афсонаси ҳикоя қилинади. Наврўз байрами кунларидан бирида булоқлар бўйида лола сайли ўтказилаётган бўлади. Турналар учиб келади. Қизлар турналар билан лапар айтишади, қалдирғочлар чарх уриб ўйнайди. Шу пайт бўрон туриб, қоронғилик, ёвузлик тимсоли Ахриманнинг қизи Аямажуз ва унинг Қораёвуз бошлиқ юзларига қора ниқоб тортган шотирлари пайдо бўлиб, қизларни ўғирлаб олиб қочадилар. Дехқон, Боғбон, Чўпон аввалида Аямажузга яхши гапириб кўрадилар, бироқ у кўнмайди. Шундан сўнг одамлар Аямажузни қувлаб тутишга тушадилар. Бир тўда довюрак йигитлар ғордаги қизларни озод қилиб олиб келадилар, Аямажузни ушлаб, бошига муштлаб, очик гўрга тикиб кўмадилар. Ҳамма балодан қутилганидан хурсанд бўлиб қўшиқ айтади. Даладашда, тоғу қирда яшил майсалар, лолақизғалдоқлар барқ уриб очилади. «Ҳей гуллола, гуллола» қўшиғи янграйди.

Якунловчи бўлим «Карвон кўрмоқдамен» деб номланган бўлиб, унда сценарий бошламасида бўлгани каби яна Ерўғлон оқин билан Наврўз ойим айтишуви янграйди. Кейин Ерўғлон оқин Замин узра пайдо бўлади. Майдон ўртасидаги тепаликка салобатли қадамлар ташлаб кўтарилади. Халойиққа таъзим қилади ва элимни ёв балосидан, иғво-бўхтон балосидан, офат балосидан асрагин деб Тангрига илтижо қилади. «Наврўзи бузрук» куйи, сўнг «О Наврўз сайли, сайли» қўшиғи янграйди. Майдонда турли миллат қўшиқ ва рақслари ижро этилади. Инсоният бирлиги, Она Ернинг муштарак ватанлиги ҳақида турли тилларда қўшиқ янграйди:

Одам Атодур падар,
Момо Ҳаводур модар.
Бўлайлик ёр-биродар,
Дунё тургунга қадар.

Сценарий баёнидан ҳам англашилиб турибдики, унда Наврўзга алоқадор кўпгина кўшиқлар, маросимлар, тимсоллар тикланган, Наврўз тарихидан жонли тасвирларда ҳикоя қилган бўлса-да, бироқ рамзий қахрамонларнинг кўплиги, тарихий-этнографик лавҳаларнинг ҳаддан зиёд даражада ишлатилгани сабабли, шунингдек, мавзу ечимининг пухта ўйланмагани ҳамда конфликтнинг томошанинг бошидан охиригача ўқ томир бўлиб ўтиши таъминланмагани сабабли у лозим бадиийлик касб этмаган. Баъзи ўринларда томошага мўлжаллаб ёзилган бу нарсаси шунчаки фольклор-этнографик тадқиқотга ўхшаб кетади.

Аммо сценарийдаги нуқсонларни режиссёр Р.Ҳамидов кўп жиҳатдан тузатди ва тенгҳуқуқли муаллифга айланди. Томошани уч қисмдан иборат қилиб тузди: 1) қадимги дунё, 2) ўрта асрлар, 3) ҳозирги замон.

Тарихий афсонавий воқеалар, маросимлар, томошалар, тимсолларнинг барчасини Наврўз билан маҳкам боғлади. Тегишлисини қолдириб, қолганларини олиб ташлади. Сценарийда унга эътибор берилмаган Наврўзнинг ҳозирги кунлардаги мавқеига алоҳида қисм ажратди. Аксар рамзий образлардан воз кечди. «Қадимги дунё» қисмида Сиёвуш рамзий образини қолдириб, унинг ўта қисқа монологини бериш ҳамда унинг шаънига айтилган марсияни ижро этиш мўлжалланди. Сухандон Сиёвушнинг жонли табиат рамзига айланиб кетганини айтиб, уни Наврўз айёми билан боғлайди. Ерўғлон оқин деган сунъийроқ тимсол эл оқсоқолига айлантирилади. Мўлжалланган бадиий қисмдан «Наврўзим келур» кўшиғини (Ҳ.Шарипов сўзи, М.Насимов мусиқаси), «Оташ рақси» (яъни арслонлар ва бақарлар ўйини, Т.Тожиев мусиқаси), «Сумалак рақси» (Б.Алиев мусиқаси) қолдирилган, холос. Зардушт образи ҳам бир лаҳзагина намоён бўлади. «Ўрта асрлар» қисми ҳам гапдан, диолог ва монологдан кўра кўпроқ ҳаракатга, хореографик ва этнографик

лавҳаларга таяниб муштдай қилиб ишланган. Наврўзнинг ўзига бағишланган. Бободехқон пайдо бўлади. Наврўзни «кел, хой!» деб чорлайдилар. Кейин «Суст хотин» маросими, сувга роз айтиш («Булок бошида қирқ қиз», Б. Лутфуллаев мусикаси), «Оқ теракми, кўк терак?» ўйин-ракси, қайроқ ўйини берилади. Аямажузга боғлиқ сахналарни гавдалантиришга 70 киши жалб этилган. Соҳибқирон Амир Темур сахнаси шундан кейин кўрсатилади. Ниҳоят, ҳозирги замон қисми асосан «Наврўз сайли-Турон карнавали» номли композициядан ташкил топган бўлиб, вилоятларнинг Наврўз дастурлари (300 киши) кўрсатилган ҳамда Тошкент маҳаллалари бадий гуруҳлари (500 киши) иштирок этган. «Мустақил Ўзбекистон» (П.Мўмин сўзи, Б.Алиев мусикаси) қўшиғи ва умумий вокал-хореографик сюита билан байрам томошасини якунлаш режалаштирилган.

1997 йилги Наврўзнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилиши мўлжалланган асосий томоша сценарийсини ҳасос шоир Абдулла Орипов ёзди. Уни «Наврўзнома» деб атади. Сценарий ёзиш жараёнида бош режиссёр Рустам Ҳамидовнинг фикрлари ва таклифлари инобатга олинди, албатта. Хуллас, бадий жиҳатдан пишиқ, поэтик, образли, замонга ҳамоҳанг асар яратилди. Шоир иш жараёнида композитор Анор Назаров ҳамкорлик қилган. Шу боис «Наврўзнома» мусикаси томоша таркибини, композициясини ўқтомир бўлиб ушлаб турувчи восита сифатида қоралади.

Радиокарнайлардан байрамга даъват қилувчи садолар янграйди. Бошловчи сўзи. Сўнгра Президент табриги олдидан ва кетидан «Наврўзнома»нинг қуйидаги байтлари ижро этилади:

Хўп ажойиб палладир бу, келди олам Наврўзи,
Баб-баравар бўлди охир тун била тонг кундузи.
Ўзбекистон аҳлимиздир, бизки Офтоб аҳлимиз,
Бахтимиз осмонида порлар Адолат Юлдузи.

Сўнг Қишнинг бўронли овози эшитилади. Саҳнада Ниҳол намоён бўлади. Ниҳолга сув қуйиш, сумалак манзаралари кўрсатилади.

Шундан кейин Бобоқуёш, Ой, Замин, Инсон қиёфалари пайдо бўлади. Қуёш ва инсоннинг сўзлари берилади. Қуёш дейди:

Хой инсон, ниҳолга нур бердим бугун,
Япроғига шабнам, дур бердим бугун.
Ниҳолга меҳрни тиндирма энди,
Магар кўкарибди, синдирма энди.
Мен сенга меҳримни тугал берганман,
Хаттоки атайлаб мучал берганман.

Саҳнада 12 та мучал қиёфаси кўринади. Улар майдон бўйлаб ўтадилар. Ўтган 1996 йил Сичқон йили бўлганидан алоҳида эсланади. Янги мучал-Сигир йили бошлангани эълон этилиб, у ўзлигини намоён қилади:

Ерга дон сочдим, мўл бўлади мў-ў-ў,
Элга сут бердим, кўл бўлади мў-ў-ў...

Сигир шохлари мойланиб, омоч ҳаракатга тушади. Ерга дон сепилади. Халқнинг ҳазил-мутойиба қўшиғи янграйди. Инсон шукрона келтиради. Буни эшитиб Қуёш меҳнаткаш Инсонни сийлаганини, хуш кўрганини изҳор қилади.

Шундан сўнг майдонга бирин-кетин 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси намояндалари кириб келиб, ўзларига хос санъатларини намоёиш этишлари белгиланади. Ҳар бир вилоят намояндалари ўтаётганда, таништирув шеъри ўқилиши, ҳаракатланувчи бадиий қурилма пайдо бўлиши айтилади. Яна мағрур Инсон ва нурафшон Қуёш сўзлари берилади. Қуёш дейди:

Сенга меҳрим бордир, улуг Туркистон,
Мовароуннаҳр сен, мулки Турон...
Бағри кенг мавода турфа элат, халқ,
Ҳамиша тинч бўлу яшна, гулла балқ.

Туркистон ассамблеясининг тамғаси кўриниб, сахнада
Туркистон халқларининг санъатлари намоён бўлади.

Барча ижрочилар жам бўлиб, «Ўзбекистон» кўшиғини ижро
этадилар:

Қуёш мамлакати-Она Туркистон,
Илоё омон бўл, омон бўл, омон!...
Қадимсан, буюксан, аҳли Атосан,
Наврўзин таниган Инсонсан, Инсон!

Майдон гулларга тўлади. Шарлар, варраклар учирилади.
«Наврўзнома»нинг охирги учинчи байти ижро этилади:

Тоабадким яшнатурман ҳур Ватан тупроғини,
Наврўзимни мадҳ этурман, шул эрур Инсон сўзим.

Сценарий баёнидан маълумки, у қисқа ва лўнда ёзилган. Жами
саккиз саҳифадан иборат. Аммо муаллиф унга катта мазмунни
сиғдиришга ҳаракат қилади. Яъни Ўзбекистоннинг буюк Туркистон
қўйнидаги Қуёш ўлкаси экани, унда меҳнаткаш Инсон ва янгиланиш
байрами Наврўз улуғланиб келгани тараннум этилади. Мазкур мазмун
образли-рамзий ечимни талаб этган. Муаллифнинг Қуёш, Инсон,
Нихол, Мучаллар тимсолларидан фойдаланиши ҳам ана шундан.

Аммо сценарийнинг баъзи ожиз томонлари ҳам кўзга ташланади.
Бири шуки, Қиш, Ой, Замин образлари тилга олинга-у, бироқ бадиий
ишланмаган; иккинчиси, вилоятлар ҳамда Туркистон халқларининг
ўрни, вазифаси байрам томошасида аниқ кўрсатилган эмас. Уларни
томошанинг умумий таркибига киритиш, асосий ғоявий мақсад билан
боғлаш сахналаштирувчиларга ҳавола қилинган.

Томоша шуни кўрсатдики, сахналаштирувчи бош режиссёр
Рустам Ҳамидов ва унинг ёрдамчилари бутун Миллий боғ сатҳини,
атрофини, Алишер Навоий ёдгорлиги зиналарини, ҳатто устидаги
фазони ҳам қамраб олувчи ажиб бир маҳобатли спектакль яратган,
сценарийда бир чизик билангина қайд этилган лавҳалар ва образларни

тўлақонли гавдалантириш, ожиз томонларини бартараф этишга муваффақ бўлган. Бунинг учун қанчадан-қанча либослар тикилган, ниқоблар, ҳаракатланувчи қурилмалар, байроқлар, шиширилган қиёфалар, гуллар ясалган. Ниҳоллар, мучаллар, сигиру буқалар, товук ва жўжалалар ҳам шу жумладандир. Майдондаги биргина саҳна эмас, ҳар бир қурилма, фаввора, гулзор, зиналар, йўлаклар, хиёбонлар ишга солинган. Ҳамма ёқда бир-бирига ҳам мазмунан, ҳам бадиий жиҳатдан боғланган байрам манзаралари, байрам ҳаёти қайнайди. Кўринишидан, ижро этилиши жиҳатидан, мазмунига кўра ниҳоятда ранг-баранг бўлган манзаралар, воқеалар, тимсолларни бир-бирига боғлашгина эмас, уйғунлаштириб туриб бадиий яхлитликка эришиш осонликча бўлмаган, албатта. Бу ҳаммаси катта ижодий меҳнат самарасидир.

Ўзбекистон Агентлиги муҳбири Аҳмад Хўжа ўз репортажида байрам томошасини шундай таърифлайди:

«Байрам бошланишидан дарак берувчи, йиғилганларни тантанага чорловчи Наврўз даъватномаси янграйди. Борлиқни шўх мусиқа садолари, кичкинтойларнинг шодон кулгилари тутати. Дорбознинг абжир ҳаракатлари шарқона шижоатдан дарак беради. Майдонда ёруғ келажакимиз, пок ниятимиз, орзу умидларимиз тимсоли-мовий, яшил, ва оқ рангдаги ҳарир байроқлар, раққосалар намоён этган алвон лолалар ажиб чаманзорни эслатади, ҳаво шарлари кўкда парвоз қилади»²⁰. Бутун маҳобатли майдон ҳаракатга келади, қуйлайди, ўйнайди, рақсга тушади. Қатнашувчилар чехралари чароғон, томошабинлар шоду хуррам. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Наврўз табригидан қувончга қувонч, эҳтиросга эҳтирос қўшилади. Айниқса, унинг қуйидаги сўзлари ҳамманинг диққатини тортди:

²⁰ «Халқ сўзи», 1997 йил 22 март

«Ишонаман, жамиятимизда, хонадонимизда ўзаро аҳиллик, тинчлик-тотувликни сақлаб, асраб-авайлаб яшар эканмиз, ҳаётимизни шу асосда қураб эканмиз, янги йилимиз ҳам кўп миллатли меҳнатсевар халқимиз учун қут-баракали бўлажак, иншооллоҳ».

Томошанинг асосий қисмида инсон манфаатларига хизмат қилишни ўз бурчи деб билган юртбошимизнинг Ўзбекистон халқига, унинг порлоқ истиқболига ишончи ўзи ифодасини топгандай. Табиат уйғонадию, Ниҳол пайдо бўлади. Қуёш заррин нурларини таратади. Дехқон дон сочади. Келиларда буғдой майсалалари туйилиб, дошқозонда сумалак қайнайди.

Шундан кейин 12 мучалга бағишланган вокал-хореографик композиция (Шукур Қурбонов ва Жуманиёз Жабборов шеърлари, Баҳрилла Лутфуллаев мусиқаси) берилиб, ҳар мучалга хос жиҳатларни акс эттирувчи қўшиқ ва рақслар ижро этилади. 1997 йил мучали бўлмиш Сигир тахтда, унинг атрофида бошқа мучаллар айланиб ўйнашади. Сигир ўз қўшиғида бу йил қут-баракали келишини изҳор қилади.

Вилоятлардан келган ижодий жамоалар, фольклор-этнографик дасталарининг ўрни, сценарийдан фарқли ўлароқ, байрам томошасида ихчам шаклда, табиий берилган. Ҳар вилоятларнинг ўзига хос иқтисодиёти ва маданияти аввало ҳаракатланувчи қурилмада, сахнада эса ижодкорлари дастурларида намоён бўлади. Сахнадагилар Наврўзга бағишланган ўзига хос томоша ва ўйинларини эҳтирос билан ижро этадилар. Ҳар бир вилоят дастуридан нимадир томошабинларни лол қолдиради. Сурхондарёликларнинг қошиқларини уриштириб бир оёқни кўтариб-кўтариб ўйнаши, сирдарёликларнинг лола сайли (йигитлар ва қизларнинг висолга етишув маросими), бухороликларнинг келин кўрдиси, Жиззахликларнинг куёвнинг қулоқчўзма қилишлари, кашталиқ либослар кийган самарқандлик йигит-қизларнинг бир-бирларини табриклаб ўйнаши,

навоийликларнинг «оққина бола-ёр-ёр, Ҳамдам ёр-ёр» ўйин-қўшиғи, қашқадарёликларнинг чарх йиғириб, гилам тўқиши, фарғоналикларнинг кураш пайровидаги аскияси ва катта ашуласи, наманганликларнинг «Во ҳой бола» ракси, андижонликларнинг «Қилпиллама» ҳазил-қўшиғи, қорақалпоқларнинг бахшиси-ю йигитлар ракси, хоразмликларнинг «Наврўзи олам келди» дастури ва гулбаркашда Наврўзойни кўтариб чиқиши шу жумладандир.

Хуллас, байрам томошаси Мукаддима, Мучал (Янги йилнинг келиши), «Ўзбекистонда Наврўз» (вилоятлар санъати), «Туркистонда Наврўз» қисмлари ҳамда Хотимадан ташкил топган. Бир суръатда, бир-бирига узвий боғланиб, бадий яхлит томоша тусини олган. Биргина сўнгги-«Туркистонда Наврўз» қисми мана шу бадий яхлитликни бузди. Чунки бу дастур суръат, ижро савиясига кўра олдинги қисмлардан ажралиб турди, бадий жиҳатдан ҳатто ўзаро лозим даражада боғланмади. Томошанинг умумий кўтаринки руҳини бўшаштирди. Яхшиямки, Хотима бор экан, Ҳамид Олимжоннинг «Олма гуллаганда» (М.Левиёв мусикаси) қўшиғи бор экан, бош режиссёр Р.Ҳамидов, сахналаштирувчи режиссёрлар ҳар қалай тантанали руҳият пайдо қилдилар. Байроқлар кўтарилди. Шарлар учирилди. Мушаклар отилди. Байрам шодиёнаси яна қалбларни забт этди. Ҳамма куйлади:

Мана сенга олам-олам гул,

Этагингга сиққанича ол.

Бунда толеъ ҳар нарсадан мўл,

То ўлгунча шу ўлкада қол.

1998 йил 11 март куни Вазирлар Маҳкамасида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлисини шахсан Президентнинг ўзи бошқарганини шу билан изоҳлаш мумкин. У йиғилишда Наврўзнинг диний эътиқодлардан анча олдин пайдо бўлганини, асрлар давомида халқимизнинг энг

қадрли ва энг суюкли байрами бўлиб келганини қайд этиб, табиатнинг уйғониши ва яшариши, шу табиатнинг олий маҳсули бўлмиш инсоннинг рухий ва жисмоний покланиши, ерга уруғ сочиши, кўчат экиши, меҳр-мурувват кўрсатиши, яхшилик қилиши, тозаликка интилиши, гўзал ҳис-туйғулар, орзу умидлар билан тўлқинланиши мазкур байрамнинг энг муҳим хусусиятлари эканини яна бир қарра таъкидлади. Президент Алишер Навоий номидаги Миллий бoғда ўтадиган байрам дастурига тўхталиб, унда санъатимизнинг барча ўзига хос йўналишларини акс эттириш зарурлигини уқтирди. Мумтоз куй ва кўшиқлар, халқ ижодиёти, масхарабозлар, полвонларнинг чиқишлари, театрлашган маросимлар билан бир қаторда замонавий санъат намуналари ҳам бўлишига эътиборни қаратди. Миллий эстрада масаласига алоҳида тўхталди.

Юртбошимиз ташкилий ва ижодий масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, томоша дастури, моҳияти ва таркибини ҳам белгилаб берди. «Наврўзнинг бошқа байрамларга ўхшамайдиган, ўзига хос яна бир жиҳати,-деди юртбошимиз,- мафкурадан, сиёсатдан холи умумхалқ байрами эканлигидар. Байрамга тайёргарлик ҳам шунга яраша бўлиши лозим. Токи биз тантаналардан одамлар юракда бор туйғуларини юзага чиқаришларига, интилишларини ифодалашларига, орзу-умидларини намоёниш эта олишларига имконият яратиб берайлик».²¹

Оммавий томошада халқ ижоди, эстрада, Алпомиш ўйинлари, мамлакатимизда яшовчи турли миллатларнинг санъатлари ўз ифодасини топиши ҳам таъкидланди.

Сценарий муаллифи Абдулла Орипов, бош режиссёр ва бадиий раҳбар Рустам Ҳамидов ўз ишларида мажлисда айтилган гапларга,

²¹ Энг қадимий, энг миллий байрам. —«Халқ сўзи», 1998 йил 13 март

йўриқларга таяндилар. Сценарий ва шу асосда яратилган оммавий майдон томошаси буни аниқ тасдиқлайди.

Сценарий Муқаддима, беш қисм ва хотимадан ташкил топган.

Муқаддимада чорлов мусикаси янграйди, бошловчи сўзи, кейин сахнада янги йил-Йўлбарс пайдо бўлади ва ўз шериклари билан ўйнайди. Наврўз ҳақида янги қўшиқ айтилади. Майдон одамга тўлади. Сўз Президентга берилади.

Биринчи қисм «Табиатнинг тўрт фасли» деб аталган бўлиб, театрлашган шеърӣ-мусиқӣ композиция билан бошланади. Ёз, Куз, Қиш, Баҳор образлари гавдаланади.

«Бола бахти-оила бахти» деб аталган иккинчи қисмда етти ёшли болалар гуруҳи томонидан «Етти болакай қўшиғи» куйланади. Она замин, Баҳорой, йўлбарс тимсоллари пайдо бўлади. Баҳорни мадҳ этувчи болалар қўшиқлари, ўйинлари ўйналади. Оила мавзуси ёритилади.

Учинчи қисм «Ўзбекистон-алплар, Алпомишлар юрти» деб номланган ва «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган: «Алпомиш» достони ва мусиқали драмасы асосида Барчинойнинг Алпомишни кутиши ва Алпомишнинг ғалаба билан қайтиши сахнаси яратилиши кўзда тутилган.

«Халқ ижодиёти-санъат сарчашмаси» номли тўртинчи қисм чол ва кампирнинг айтишуви билан бошланиб, унда етти қаср-кошоналар олдида етти келин билан етти куёв пайдо бўлиб, келин салом, исирик тутатиш, шарбат ялатиш, ойна кўрсатиш маросимлари кўрсатилиши айтилади. Мана шу қисмда янги эстрада қўшиқлари ҳам ижро этилиши режалаштирилади. Умуман, қисм тўлалигича Тошкент шаҳри туманлари иштирокчилари томонидан бажарилиши назарда тутилади.

«Ўзбекистоннинг ранг-баранг гулдастаси» деб аталган бешинчи қисм вилоятларнинг вакилларига ажратилган. Бошловчи сўзи,

Наврўзга бағишланган янги кўшиқдан кейин Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 вилоят вакиллари ўзлари тайёрлаб келган дастурларни бирин-кетин кўрсатдилар. Сценарийда шу қисм Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сиймоларининг гавдаланиши ҳамда турли миллатлар санъатлари намуналари ижро этилиши билан тугалланиши белгиланади.

Барча катнашувчиларнинг ҳозир бўлиши, янги кўшиқлар янграши, мушак отилиши билан томошага хотима берилади.

Сценарий шунчаки бир тарх, бир шакл, холос, унда Абдулла Орипов шеърияти, салоҳияти ўз аксини топди, деб айтиш қийин. Сценарийни аниқ лавҳалар, асарлар, рақслар, томошалар, ўйинлар, маросимлар, вилоятларнинг дастурлари, ҳар хил тимсоллар билан тўлдириш, уларни неча дақиқа давом этишигача ҳисоблаб чиқиш, бутун майдон бўйлаб жойлаштириш, саҳналаштириш, бир-бирига боғлаш орқали бадиий яхлит томоша яратиш бадиий раҳбар ва бош режиссёр Рустам Ҳамидов зиммасида бўлган. Байрам томошаси 2 соат 14 минут 17 секунд давом этиши белгиланган ва шу вақтдан чиқиб кетмаслик учун қатъий ҳаракат қилинган. Зеро, катта майдон томошасида бу юзаки бир расмий талаб эмас, балки тартиб, қолаверса, бадиий яхлитлик талабидир. Шу боисдан ҳам Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек саҳналари ишланмаган, томоша «Ўрик гуллаганда» (Ҳ.Олимжон шеъри, М.Левиёв мусиқаси) номли ажиб лирик миллий кўшиқ ҳамда М.Раззоқова ва И. Жалилов ижросидаги «Яшнар баҳорим» (А.Орипов шеъри, А.Назаров мусиқаси) эстрада кўшиғи билан бошланиб, «Байрам», «Шахзод», «Ялла», «Тошкент» гуруҳларининг аввалида алоҳида-алоҳида, сўнгра барча гуруҳлар ва хонандалар биргаликда айтган «Наврўз, Наврўз» (М.Юсуф шеъри, Р.Шарипова мусиқаси) ашуласи билан якунланган, финалда эса «Ўзтелерадио» компанияси ва жамоаси, эстрада ва халқ чолғу ансамбллари ижросида янги «Наврўз» кўшиғи (Ж.Жабборов сўзи,

Қ.Комилов мусикаси) янграган. Шу баҳонада бош режиссёр юртбошимиз И.Каримовнинг миллий эстрадага алоҳида эътибор бериш тўғрисидаги таклифини амалга оширган. Томошада турли йўналишларда ривожланаётган миллий эстрадамиз ўз хусни-тароватини намоён этди, десак янглишмаймиз.

Томошани кузатар эканмиз, унда ташкилий қўмита билдирган таклифлар, йўл-йўриқлар ҳисобга олинганини, наинки эстрада, шу билан бирга халқ ижодиёти, оила ва болалар мавзулари, «Алпомиш» сахнаси, вилоятлар санъати тўлақонли ёритилганини кўрамиз. Оила мавзуини ёритишда қўқонлик Шерқўзиевларнинг 16 кишилиқ оилавий ансамбли хизмат қилди. Вилоятларнинг вакиллари ўзларига ажратилган 3-4 дақиқали вақт ичида бисотларидаги энг яхши, энг қизиқарли қўшиқ, ўйин ёки театрлашган маросимларни кўрсата оладилар. Қашқадарё вилояти гулларга бурканган бешик-аравада Баҳоройнинг кириб келиши, кейин араванинг чархпалакка айланиши, кўплашиб ижро этилган «Хувва-хув» ўйин-қўшиғи билан, Фарғона вилояти оилавий ансамбли ҳамда М.Қозоқов, М.Шералиев, Ҳ.Султонов ва бошқа аскиячилар ижро этган «Наврўз» пайрови билан, Тошкент вилояти ҳашар сахнаси, полвонлар чиқиши, «Наврўз таронаси» (Н.Нарзуллаев шеъри, халқ мусикаси) билан, Бухоро вилояти Афанди қиёфаси, «Мавриги» томошаси ва рақслари билан, Навоий вилояти қайнона-келинларининг сумалак тайёрлаш сахнаси, арқон тортиш, ҳунарни улуғловчи қўшиқлари билан, Сирдарё вилояти «Чоймомо» номли шамол ҳайдаш, кўпкари, олтин маросим-томошалари билан, Жиззах вилояти ёр-ёр айтиш маросими, чавгон, бешқарсак, жийда пўпак ўйинлари билан, Самарқанд вилояти бойчечак сайли, «Оҳ бола, бола», «Маҳсидўз» қўшиқлари билан, Наманган вилояти қизларининг лола сайлида ўйин-кулги қилишлари сахнаси билан, Андижон вилояти «Андижон полькаси», «Дучава» рақслари билан, Сурхандарё вилояти раққосаларнинг сибизик,

чангковуз, дўмбира ва дойра жўрлигида қовоқ идиш ва қошиқларни қарсиллатиб ўйнаб чиқишлари, деҳқон ва хунармандларнинг меҳнати манзараларини акс эттиришлари билан, Хоразм вилояти Лола сайлида қиз-йигитларнинг айтишуви, сумалак маросими, чоллар рақси, қовун хусусида ҳазили билан, Қорақалпоғистон қорауй олдида йигит-қизларнинг ўйин-кулгуси, «гештек» хангомаси билан минглаб (телеведение орқали кўрсатилганда, миллионлаб) томошаларни ром этдилар.

Энг муҳими, қисмлар, қисмлар таркибидаги композициялар, бадий лавҳалар, якка ва умумий ижролар, бадий фон мазмунан, шаклан, мароми, суръати билан бир-бирига шу қадар сингиб кетганки, ажратиш қийин. Юқоридан, Алишер Навоий ёдгорлигидан баҳор рангларидаги байроқларни кўтарган йигитлар тушиб келиб, гулкўприкларга жойлашар экан, гўё буюк шоир авлодларини дуо қилаётгандай тасаввур туғилади. Карнайлар жар солиб, Наврўз бошланганидан дарак беради. Ватан ҳақидаги кўшиқ янграйди. Майдон четидаги чархпалак айланиб, фасллар алмашувидан дарак беради. «Фасллар» номли рақс композицияси бошланади²². Саҳнада бирин-кетин Ёз, Куз, Қиш ва Баҳор фаслларини ифодаловчи яшил, сариқ, оқ, кўк рангли либослардаги тимсоллар ва уларни куршаган гулқизлар ҳар фаслга мос рақсга тушадилар. Ёзнинг қайноқ ҳарорати, Кузнинг ноз-неъматларга ғарқ бўлиши (саватлар тўла турфа мевалар кўтариб чиқишади), Қишнинг изғирин, бироқ қалбларга илиқлик улашувчи ҳаракатлари, Баҳорнинг шўх-шодонлиги рақсларда ўз аксини топади. Болаларга бағишланган катта композиция, «Алпомиш» саҳналари ҳам томошага узукка кўз қўйгандай ярашган. Умуман, табиат ва унинг фарзанди Наврўзнинг абадийлиги, у билан боғлиқ халқнинг, халқ санъатининг абадийлиги ғояси бутун томоша бўйлаб ўтади ва унинг абадийлиги яхлитлигига хизмат қилади. Томошада

²² Спиридонова А. Навруз-извечная радость. «Вечерный Ташкент», 1998, 23 марта

қадимий санъат ва маросимларнинг замонавий кўшиқ ва рақслар билан, мумтоз мусиқа, рақс санъати намуналарининг халқ ижодиёти билан бирга кўшиб тараннум этилиши санъатимиз абадийлигини билдиради.

1998 йилги Наврўз театрлашган томошаси кўп жихатдан янги, топилмалар, тахайюлотга бой. Аммо шулар орасидаги энг катта янгилик-бу Алпомиш билан Барчинойга бағишланган сахналардир. Уларни кашфиёт деб атаса арзийди. Майдонда ва сахнада тарихий-афсонавий манзара яратилади. Қўнғирот элининг туғи пайдо бўлиб, қасава бош кийимлари алланечук кўйлақлар кийиб, бозгардонлар тақиб олган Барчиной ва унинг дугоналари пайдо бўлади. Барчиной (З.Бойхонова) севган ёри ва барча алпларнинг ғалаба билан қайтишини тилаб куйлайди. Бир маҳал тулпор минган алплар майдонга кириб келишади. Улар орасида оқ отда Алпомиш (Р.Исмоилов), Барчиной дугоналари билан Алпомишни қарши олади. Севишганлар учрашади. Камон отиш, қиличбозлик, оғир юкларни кўтаришда ботирлар ўз куч маҳоратларини намойиш қилдилар. Уларга халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган спорт усталари намойиши уланиб кетади.

1999 йилги Наврўз байрамини тайёрлаш ва ўтказиш ишлари анча эрта бошлаб юборилди. 1998 йил 18 ноябрда Наврўз моҳиятини белгиловчи ғоя, томоша сценарийси, бадиий безак, либослар, вилоятларнинг энг яхши бадиий дастурлари, вазирликлар, муассасалар ва ўқув юртларининг энг яхши дастурлари, янги мусиқа асарлари, режиссёр режалари бўйича республика танлови эълон қилинди. Бундан ташқари, Маданият ишлари вазирлиги ҳам Наврўзга бағишланган энг сара сценарийлар учун танлов эълон қилди. Шу асосда ижодий жамоалар, ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, халқ ансамбллари, режиссёрлар ишга тушиб кетдилар.

Бу йил ҳам Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган асосий театрлашган Наврўз томошаси сценарийсини Абдулла Орипов ёзди. Сценарийга 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги сабабли томошада хотин-қизлар мавзуга урғу бериш ҳамда мамлакатимизда 8 йил ичида эришган ютуқларимизни поэтик бўёқларда талкин этиш асосий ғоя ва мақсад қилиб олинган. Томошанинг бош режиссёри ва бадиий раҳбари Р.Ҳамидов адабий сценарий асосида ўзининг сахнавий сценарийси ва режасини тузган. Шунга кўра, томоша «Наврўз келур» номли муқаддима, «Байрам шодиёнаси», «Туркистоннинг азиз онлари», «Туркистон алласи», «Она билан бола, гул билан лола», «Олмани олдим отганга», «Гул диёрим бор менинг», «Наврўз нашидаси» номли қисмлардан иборат қилиб белгиланган.

Театрлашган томошани кўрар эканмиз, сценарийда белгиланган ғоявий мақсад барча бўлимлардан ўтганига, муқаддимадан тортиб хотимагача руҳиятни кўтарувчи дилларни қитиқловчи, кўзларни қамаштирувчи ажиб бир умумхалқ шодиёнаси яратилганига гувоҳ бўламиз. Муқаддимада бу йил ҳам кишига кўтаринки рух, баҳорий кайфият бағишловчи «Ўрик гуллаганда» кўшиғи янграйди. Янгилик шуки, Гулчеҳра Жалилова «Она» монологи билан аёллар мавзуини бошлаб беради.

Мен Онаман, тирикликнинг ибтидосиман,
Оллоҳ берган шу ҳаётнинг илк садосиман.
Бу дунёни асраб турган фарзандларимдир,
Ўғлонларим ва қизларим дилбандларимдир...

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг байрам табригидан сўнг эса Ғуломжон Ёқубов ижросида «Парвардигор асрасин» (Муҳаммад Юсуф шеъри, А.Исмоилов мусиқаси) ашуласи янграб, томшабинларни 16 февраль воқеаларини унутмасликка, Ватанни севишга, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга чақиради.

Байрам шодиёнаси бошланади. Асосий сахна, йўлаклар, кўприклар, Навоий ёдгорлиги зиналари, фаввора атрофлари лолазорга айлангандай. Гулларни эслатувчи ранг-баранг либослардаги қизлар «Нозланажакдир» (Ж.Жабборов сўзи, А.Назаров мусикаси) деган янги кўшиқ оҳангларига мос тебранишади. Саҳна ортида ўрнатилган дорда чакқон дорбозлар ўйнашади. Ўз жасорати, ақл-заковати, нафосати билан тарихда ўчмас из қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Зулфия сиймолари саҳнада гавдаланади. Шундай буюк момоларимиз бўлганлигидан қалбларимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлади.

«Даврада оқ ҳарир либосли қизлар пайдо бўлади. Ўртада бешик. Она бешикни тебратганча аста алла айтади. Унинг сокин алласини тинглар экансиз, қалбингизни ажиб ҳислар эгаллайди. Алладан ҳам улуғроқ кўшиқ бормикан дунёда...²³».

Шундан сўнг болалар ижодига бағишланган «Она билан бола-гул билан лола» қасидаси берилади. «Ором», «Булбулча», «Юлдуз» номли болалар жамоалари, Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари ижросидаги «Читтигул», «Ана гуллола, мана гуллола», «Ҳақкалакка ўйнасамми» каби ўйин-кўшиқлар томошабинларга чинакам завқ бағишлади, беғубор болалигини эслатди.

Томошада асосий ўринни эгаллаган ва бевосита Наврўз мавзуини ёритувчи «Гул диёрим бор менинг» қисмида ҳам аёллар мавзуи етакчилик қилади. Унда Қорақалпоғистон ва вилоятлардан ташриф буюрган ижодий жамоалар, санъаткорлар ва ҳаваскорлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса, «Сумалак» (Андижон), «Навбаҳор» (Наманган) рақс ансамбллари, «Афшона» (Бухоро), «Сайхун йигитлари» (Сирдарё), «Гулираъно» (Жиззах), «Бешқарсак» (Самарқанд), «Нуржаҳон» (Навоий), «Хоразм наволари» халқ ансамбллари, Тошкент, Фарғона ва Сурхондарёнинг йиғма бадиий

²³ Эгамқулов Б.Навруз байрами тантаналаридан репортаж.-«Халқ сўзи», 1999 йил 22 март.

ҳаваскорлик жамоалари ижро этган рақслар, ўйинлар, термалар томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

Эстрада хонандаларининг Мустақил Ўзбекистонни, унинг қалби пок, меҳнаткаш, саховатли ва меҳр-оқибатли халқини шарафловчи, Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлари билан томоша ниҳоясига етади. Юлдуз Усмонова Муҳаммад Юсуф шеърига ўзи басталаган «Ўзингдан қўймасин халқим» ашуласини айтганда, барча хонандалар, бутун майдон яқдил бўлиб, жунбушга келди. Ҳамма ўрнидан туриб кетди. Юртбошимиз И.Каримов туйғулари жўш уриб, сахнага чиқиб, ажойиб байрам учун санъаткорларга қизгин миннатдорчилик билдирди.

Ҳа, 1999 йилги Наврўзнинг Ўзбекистон миллий боғида ўтган асосий театрлашган томошаси олдинги йиллардаги томошаларга қараганда мазмунлироқ, бадиий жиҳатдан кўркемроқ ва жозибалироқ ўтди. Аёл ва Ватан мавзуи Наврўз мавзуи билан узвий боғланган ҳолда бутун томоша бўйлаб ўтди. Чинакам бадиий яхлит майдон томошаси яратилди. «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган катта сахна санъати,-деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов,-ўзининг ранг-баранглиги, тасвирий воситаларининг ниҳоятда бойлиги, барча ижодий йўналиш услуб ва талқинларнинг пайваста уйғунлашиб кетганлиги, барча ижодий йўналиш услуб ва талқинларнинг пайваста уйғунлашиб кетганлиги, барча вилоятларимиз санъатларининг ягона ва гулдаста сифатида намоён бўлиши, куй, рақс, овоз, халқ ўйинлари-яъни сўз ва соз, либос ва пардознинг чамбарчас бирлашувидан ҳосил бўлган бу ажиб чаманзор-Ўзбекистонимизда мустақиллик йилларида юзага келган жуда катта ...жанрнинг яққол кўриниши эмасми? Бу улкан томоша замирида минглаб атоқли санъаткорларимиз ва истеъдодли ёшларимиз, яна қанчадан-қанча касб эгаларининг маҳорати, тафаккури ва қалби аён кўриниб турибди»²⁴. Шоир Наврўз

²⁴ Жабборов Ж. Кафтдаги юрак (Наврўз байрами ҳақида ўйлар).-«Халқ сўзи», 1999 йил 24 март.

томошасини «Кафтдаги юрак», «Ўзбек халқининг жўшиб турган ўтли юраги» деб атайти.

Бу йилги Наврўз томошаси Осиё, Европа, Америка ва Австралия қитъаларининг 50 дан ортиқ мамлакатига узатилди. Яъни Наврўз байрами томошаларини биргина Ўзбекистон, унинг қўшинлари эмас, бутун дунё томоша қилди.

ХУЛОСА

Аввало шуни таъкидлаш керакки, Наврӯз янги даврда ҳам асосий анъанавий моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолган. У табиатнинг уйғониши, баҳорнинг бошланиши, эски янги йилнинг кириб келиши муносабати билан 21 март кунни нишонладиган халқ байрами шодиёнасидир. Шу кун ҳар бир киши, бутун жамият нияти пок, самимий гўзал, меҳр-оқибатли, шоду хуррам, орзу-умидлари бир жаҳон бўлади. Бу хусусиятлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1991 йилдаги байрам табригидаёқ таъкидланган эди: «наврӯз айёми баҳор келиши, табиат уйғониши, гўзалликнинг очилиши демакдир. Бу кун ҳар бир шахс, ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган кун».

Президент байрам билан қутлар экан, бутун халқни аҳиллик ва ҳамжиҳатликка, гина-қудратларни унитиб, меҳр-оқибатли, шафқатли бўлишга чақирган эди. Бу шунчаки чақириқ эмас, балки юртбошимиз олиб бораётган халқчил сиёсатнинг ўзига хос ифодаси эди.

Наврӯз ўтмишда бўлганидек, янги даврда ҳам тинчлик, осайишталик, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлик, ота юрт ва она табиатга меҳр ва муҳаббат, маънавий қадриятларга садоқат руҳида ўтказиб келинди.

Аммо қайд этилган умумий жиҳатларга қарамасдан, Мустақиллик даври Наврӯзи янги байрамдир. Ҳеч бир замонда Наврӯз бу қадар қадр-қиммат, эътибор топмаган. Ҳеч бир юртда Наврӯз бизнинг мустақил Ўзбекистонимиздай оммавийлик касб этмаган. Наврӯзни фақат ўзбек халқигина эмас, балки Ўзбекистонда яшаб, уни ўз Ватани деб билган барча кишилар, миллати, диний эътиқоди, жинси ва ёшига қарамасдан, чин дилдан байрам қилмоқдалар.

Мустақиллик даври Наврўзининг уч муҳим хусусиятини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Биринчи муҳим хусусият шуки, Наврўз бу даврда Мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик-осайишталик, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик ўрнатиш, миллий онг, миллий ғурур, Ватан туйғусини шакллантириш, маънавий қадриятлар, миллий меросга бўлган меҳр-ихлосни кучайтириш, конун устуворлиги, адолатни таъминлаш, инсоннинг қадр топиши, истеъдоди, салоҳиятини намоён этишдан иборат.

Иккинчи муҳим хусусият – бу Наврўзнинг янги даврда катта бадий-эстетик мазмунга эга бўлганлигидир. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтадиган асосий катта томошалардан тортиб узоқ қишлоқ гузари ёки мактабидаги маросимларгача сценарийлар асосида, махсус кишилар томонидан бадий жихати, мазмундорлиги, кўркемлиги, таъсинчанлигини таъминлашни ўйлаб уюштириб келинмоқда.

Наврўз ҳар бир қишлоқ, ҳар бир туман, ҳар бир вилоят ва бутун юртимизнинг санъати, урф-одатлари, салоҳияти, куч-қудратини намоёиш этувчи майдонга айланмоқда. Шундан мустақиллик давридаги Наврўзнинг учинчи муҳим хусусияти келиб чиқади. У ҳам бўлса Наврўзнинг халқ маънавияти, халқ ижодиётини ривожлантириш манбаларидан бирига айланишидир. Наврўз туфайли янги ижодий гуруҳлар, фольклор жамоалари тузилди, янги бадий дастурлар, сахна асарлари яратилди, унитилган маросимлар, томошалар, ўйинлар, қўшиқлар, яллалар, рақслар тикланди.

Янги давр Наврўзи ва ундан ўрин олган томошалар, халқ сайиллари, намоёишлари, маросимларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилса, байрам қуйидаги функцияларни бажаришга қаратилгани маълум бўлади.

Биринчидан – маданий-маърифий функция бўлиб, Наврўз томошалари, сайиллари, намойишлари, маросимлари томошабинларга, иштирокчиларга ҳам муайян маданий-маърифий ахборот беради, уларнинг онгига ва шуурига таъсир кўрсатади.

Иккинчиси – маънавий-тарбиявий функция. Яъни Наврўз тадбирлари ўзининг ранг-баранглиги, тарихий ва замонавий ҳаёт лавҳаларини ёритиши, мазмундорлиги, образлилиги билан омманинг маънавий дунёсини бойитиб, улкан тарбиявий аҳамият касб этади. У халқни, айниқса, ёшларни одамийликка, дўстликка, ўзгаларга ҳамдард бўлишга, миллий анъаналарнинг кадрига етишга ўргатади.

Учинчиси – бадий-эстетик функция. Наврўз ўз томошалари билан халқнинг бадий эҳтиёжини қондириш, эстетик дидини ўстиришга қаратилган.

Тўртинчиси – сиёсий-мафкуравий функция бўлиб, халқнинг саводини оширишга, кишилар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда Наврўз босиб ўтган тарихий йўл, байрам моҳияти, халқ ва давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ҳақида, умумий тарзда бўлсада, тасаввурга эгамиз. Аммо Наврўз тарихи тўла-тўқис тикланди, деб бўлмайди. Бу илмий-муаммо устида фольклоршунос олимларимиз, шу жумладан театршунослар бундан кейин ҳам иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. Янги манбаларни излаб топиш, этнографлар ва археологларнинг материаллари ва топилмаларини кенгроқ жалб этиш ўта муҳим. Ўшанда бундан ҳам кейин ўтказиладиган Наврўз байрамлари, сайиллари ва томошалари мазмунлироқ ва кўркароқ бўлади. Зотан, Наврўз икки қанотли чиройли қушга ўхшайди. Унинг бир қаноти – тарих, иккинчи қаноти – халқимизнинг шу кунги ҳаётидир. Икки қанот бут бўлса, Наврўз яхши парвоз қилиши, жамиятимиз, маънавиятимиз тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшиши мумкин.

Жонажон Ўзбекситонимиз иқтисодий ва маънавий тараққиёти билан бирга Наврўз байрами, сайиллари ва томошалари бундан кейин ҳам бойиб, янгиланиб, яшариб бораверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмуд Қошғарий. «Девону луғотит-турк», 1 том. – Т.: «Фан», 1963 йил, 447 бет.
2. Соколов Э.В. Свободное время и культура досуга. Л., 1977, с.85.
3. Мазаев А.И. Праздник как социально-художественное явление. – М.: «Наука», 1978 г, с.172.
4. К.Имомов. Ўзбек халқ прозаси. «Фан». Тошкент –1981.
5. Б.Саримсоқов. Ўзбек маросим фольклори. «Фан». Тошкент-1987.
6. М.Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Тошкент: «Фан» 1993, 81 бет.
7. И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. «Ўқитувчи». Тошкент-1994.
8. Шодиев Б. Наврўз байрами (тарихий йўли ва қайта тикланиши). - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001.
9. Ҳ.Ҳамидов. «Авесто» файзлари. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Тошкент-2001.
10. Усмон Қорабоев. Ўзбек халқи байрамлари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент-2002.
11. «Тошкент ҳақиқати» газетаси.1990 йил, 27-февраль.
12. «Тошкент окшоми», 1990 йил 23 март
13. «Халқ сўзи», 1993 йил 20 март
14. «Народное слово», 1993 йил 23 март
15. «Халқ сўзи», 1995 йил 17 март.
16. «Тошкент окшоми», 1995 йил 22 март
17. «Оила ва жамият», 1995 йил 23 март.
18. «Халқ сўзи», 1997 йил 22 март
19. Энг қадимий, энг миллий байрам. –«Халқ сўзи», 1998 йил 13 март

20. Спиридонова А. Навруз-извечная радость. «Вечерный Ташкент», 1998, 23 марта
21. «Гулистон» журнали. №6, 1998, 13 бет.
22. Эгамкулов Б. Наврўз байрами тантаналаридан репортаж.-«Халқ сўзи», 1999 йил 22 март.
23. Жабборов Ж. Кафтдаги юрак (Наврўз байрами хақида ўйлар).- «Халқ сўзи», 1999 йил 24 март.
24. Наврўз байрами тантаналари туширилган видео кассеталар. 1989-1999 йиллар.